Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● 16 сентябрь 1969 йил, сешанба ● № 216 (14.379). ● Баҳоси 2 тийин.

ЭНГ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Ўзбекистондаги қирғиз адабиёти ва санъати декадасининг тантанали ёпилиши

Қирғизистоннинг баланд тоғларидан бошланиб, сўнгра минглаб майда ариқлардан оқиб Ўзбекистон далаларига ёйилган, шу далаларга ҳаёт ва ҳосил бахш этган жўшқин Норин дарёсининг суви каби қирғиз халқининг санъати ҳам 10 кун ичида минг-минглаб шодлик ва бахтиёрлик ирмоқларидек ўзбек диёрига таралди. Езувчилар, композиторлар, рассомлар, сахна усталари замонамиз мўъжизаларидан бири бўлган қирғиз маданиятининг барқ уриб яшнаганлигини ҳикоя қилиб беришди.

Улар яна Тошкентга тўпланди. Санъат саройи. Бу ерда 14 сентябрда Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадасининг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Қ. Қулатов, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. С. Суюмбоев, Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Б. Т. Мураталиев, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. К. Знёдуллаев, М. З. Мирзаахмедов, А. Р. Хўжаев, Қирғизистон ССР маданият министри К. Кондучалова, Ўзбекистон ССР маданият министри В. Й. Зоҳидов, ижодий союзларнинг раҳбарлари, ҳар иккала республика адабиёти ва санъатининг етакчи арбоблари президиумдан жой олишади.

Улар билан бирга президиумда ёйл-ёйлакай Тошкентга тушган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси майор Хуан Альмейда Боске бошчилигидаги Куба Республикасининг делегацияси ва Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Э. Шарф ҳам ўтиришибди.

Декаданинг тамомланишига бағишланган тантанали йиғилишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова очди.

— Азиз ўртоқлар, дўстлар, — деди у, — Ўзбекистон диёрида катта байрам — социалистик маданият байрами, ўзбек халқи билан қирғиз халқининг дўстлик байрами бўлиб ўтди. Гуллаб-яшнаб турган Қирғизистоннинг ажойиб қўшиқлари — бахтиёрлик ва шодлик қўшиқлари республикамиз шаҳарлари ва қишлоқларида, водийлари ва чўлларида ўн кун янграб турди.

Моддий ва маънавий бойликларни, меҳнат ва ижоддаги ютуқларни, ҳўжалик ва маданий қурилишдаги тажрибаларни ўзаро баҳам кўриш Совет Иттифоқи халқлари турмушининг қонуни бўлиб қолди, уларнинг чинакам қардошлигини кўрсатувчи намуна бўлмоқда, тараққиётимизни, коммунистик жамият қуриш йўлидаги ҳаракатимизни тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Яқинда Россия Федерациясида бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси кунларида ва эндиликда қирғиз адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси вақтида биз қардош маданиятларнинг декадалари нақадар қатта аҳамиятга эга эканлигига қайта-қайта қаноат ҳосил қилдик.

Бу йилги декадаларнинг ўзига хос ажойиб хусусияти шундаки, бу декадалар ғоят улуғ бир даврда, тарихий санага — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган кунларда ўтмоқда. Бу ҳол уларга алоҳида характер ва алоҳида аҳамият бахш этади, бу декадалар эндиликда халқимизнинг улуғ йўлбошчиси ва устози кўрсатган йўлдан бориб, қўлга киритилган натижаларининг ўзига хос якуни сифатида намоён бўлмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида қирғиз халқи эришган порлоқ ва ажойиб ютуқларнинг ҳаммаси, унинг элида рўй берган жуда катта социалистик ўзгаришлар — индустриянинг барқ уриб ўсганлиги, қишлоқ хўжалиги зўр куч билан юксалганлиги, фан ва маданиятнинг равнақ топганлиги, шаҳарлар ва қишлоқларнинг янги қиёфаси, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг кўп сонли кадрлари ўсиб етишганлиги, — мана шуларнинг ҳаммаси Ильич номи билан боғланган, Ленин ғояларининг нури билан ёритилган.

Қирғиз адабиётининг Ўзбекистон ССРдаги декадаси қардош республикаларнинг ҳаётидаги ёркин воқеа бўлди. Совет Қирғизистонининг ёркин ва ўзига хос санъатини бойитиб турган ҳамма ютуқларни ўн кун ичида тугал-тўкис кўрсатиб бериш қийин, албатта. Лекин сиз, қирғиз дўстларимиз бизга олиб келган, шу қадар зўр маҳорат билан кўрсатилган маданият ва санъат намуналарининг ўзи ҳам қирғиз халқининг социалистик маданиятни ривожлантиришдаги жуда катта муваффақиятлари тўғрисида тўлиқ тасаввур берди.

Жозибали қўшиқлар ва нозик рақслар, ажойиб спектакллар, ёзувчиларнинг ва кинематографчиларнинг, рассомлар ва композиторларнинг ғўзал асарлари қирғиз халқининг серзавқ меҳнатини акс эттирган кўргазмалар, мана шуларнинг ҳаммаси республикамизда зўр қувонч ва шодлик билан кутиб олинди, Ўзбекистон меҳнаткашларини бениҳоя хурсанд қилди.

Қирғиз дўстларимиз республикамизнинг ҳамма жойида қизғин ва самимият билан, азиз меҳмонларга, туғишган қон-қардошларга хос иззат-ҳурмат билан кутиб олиндилар. Декада кунлари актив амалий ҳамкорлик кунлари бўлди, тажрибаларни ўзаро айирбошлаш актуал ижодий ва илмий проблемаларни кенг муҳокама қилиш кунлари бўлди.

Декаданинг жуда муҳим сиёсий якуни шуки, у халқларнинг дўстлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашга, қардош маданиятларни, кўп миллатли бутун совет социалистик маданиятини янада ўзаро бойитишга, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни кучайтиришга бебаҳо ҳисса қўшди.

Қирғизистоннинг бир қанча ижодий ташкилотлари, фан ва маданият муассасалари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганлиги декаданинг натижаларига муносиб эътироф қилинганлигининг ва юксак баҳоланганлигининг далили бўла олди.

Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ижодкор зиёлилари декада якунларидан руҳланиб, коммунистик жамият қурувчилари бўлган совет кишиларининг яратувчилик меҳнатини қуйловчи юксак ғоявий ва чуқур мазмунли янги асарлар билан халқимизни хурсанд қиладилар, деб астойдил ишонамиз.

Сиз, азиз қирғизистонлик дўстларни декада муваффақиятли якунланганлиги билан қизғин муборакбод қилишга, бутун қардош қирғиз халқига сиҳат-саломатлик, катта бахт, коммунистик қурилишда янги шонли ғалабалар тилашга ижозат бергайсиз. Эндиги дўстона учрашувларимизга қадар, хайр, ўртоқлар ва дўстлар!

Яшасин СССР қардош халқларининг ленинча дўстлиги!

Совет халқини коммунизм тантанаси сари бошлаб бораётган Ленин партиясига шон-шарафлар!

Совет Иттифоқи, Қирғизистон ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари янграйди.

Е. Ё. Насриддинова қирғизистонлик дўстларга В. И. Ленин тасвири туширилган чинни вазани ёдгорлик-туҳфа қилиб тақдим этади.

Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. С. Суюмбоевга сўз берилади.

Жаҳонда совет халқларининг дўстлигидан кўра мустаҳкамроқ, қалинроқ, покизароқ ва теранроқ дўстлик йўқ, — дейди у, бу дўстлик тош-метиндан ҳам мустаҳкам, океандан ҳам чуқур, булоқ сувидан ҳам мусаффо дўстликдир. Бу дўстлик қуёшнинг ўзи каби ҳароратли ва пўрлоқ дўстликдир.

Бу дўстликнинг ўзгартирувчи ва яратувчи қудратли кучини қирғиз халқи ўз тажрибасида кўриб билди. Рус халқининг ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами билан Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Қирғизистон асрий қолоқликни тугатди, саноати юксак даражада ривожланган ва кўп тармоқли, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига эга бўлган тенг ҳуқуқли социалистик республикага айланди. Сиз, азиз ўзбек дўстларимизга ҳам бу улуғвор ўзгаришлар биз, қирғизларга бўлгани каби тушунарли ва қимматлидир, чунки қирғизлар билан ўзбекларнинг тақдири ҳамиша бир бўлиб келди. Сизлар билан бизнинг тарихий ўтмишимиз, бир-биримизники каби ғамгин ва зулматли тунга ўхшар эди. Сизлар билан бизнинг ҳозирги ҳаётимиз, келажагимиз, барча совет халқларнинг сингари порлоқ ва ғўзал.

Улуғ Октябрдан кейин қирғиз халқи билан ўзбек халқининг дўстлиги янги сифат, янги социалистик мазмун касб қилиб, чинакам қардошликка айланди. Бу дўстлик Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган жангларда, тинч бунёдкорлиқ қурилиши йилларида ўсиб мустаҳкамланди ва ажойиб самаралар берди.

Қирғизистонда кўмир саноатининг ва рангли металлургиянинг ривожланиши Ўзбекистон саноати ва транспорти учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Айни вақтда Ўзбекистон бизга турли машиналар ва ускуналар юбориб, Қирғизистонни индустриаштиришда катта роль ўйнади. Ўзбекистон заводлари ҳозир ҳам ҳар хил машиналар ва ускуналарни бизнинг республикамизга тўхтовсиз юбориб турибди.

Ўзбек пахтакорлари пахта етиштиришда қирғиз деҳқонларига бебаҳо ёрдам бердилар ва бермоқдалар Жанубий Қирғизистоннинг колхозчилари эса Ўзбекистоннинг пахтазорларига ҳар доим ўзларининг сув запасларидан бериб турдилар. Ўзбек ва қирғиз халқи бирлигида меҳнат қилиб, ўнлаб каналлар, шу жумладан, энг узун Катта Фарғона каналини қурди.

Қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш намуналари жуда кўп. Фан ва маданият муассасаларимиз учун кадрлар тайёрлашда Ўзбекистоннинг берган ёрдами ғоят катта. Қирғиз артистларининг жуда кўпи Тошкентдаги театр санъати институтида ва Тошкент консерваториясида ўқиб тарбияланди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин социалистик санъатнинг вазифалари ва мақсадларини ғоят зийраклик ва аниқлик билан белгилаб берган, социалистик санъат халққа, халқнинг курашига ва тарихий интилишларига хизмат қилиши лозимлигини уқтириб ўтган эди.

Шу сабабли бизнинг санъатимиз одамларни ажратмайди, балки бирлаштиради. Совет санъати ва адабиёти миллий маданиятларнинг ажойиб ва жўр овоз таронаси. СССР халқларининг санъат ва адабиёт арбобларини бамисоли битта оркестр деса бўлади. Катта ва мураккаб оркестрда чолғу асбоблари кўп бўлса ҳам аммо шу асбобларнинг ҳар бири ўзига белгиланган оҳангни ижро этади, ўзига хос овоз билан янграйди. Лекин уларнинг ҳаммаси биргаликда битта ажойиб симфонияни — халқлар дўстлиги ва қардошлиги, Ленин ишларининг тантанаси симфониясини ижро этади.

Совет республикаларининг маданий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Маданиятларнинг бир-бирига таъсир ўтказиши ва бир-бирини бойитиши шундай мўъжизакор калит бўлиб қолдики, у янгидан-янги маънавий бойликларнинг хазинасини очишга имкон бермоқда.

Қирғиз халқи меҳмондўстлик нималигини яхши билади. Лекин Алишер Навоий юртида бизни шу қадар қизғин, шу қадар самимият билан қабул қилиб олганликлари кўнглимизни бениҳоя шод этди. Совет Қирғизистонининг вакиллари қаерга бормасинлар ҳамма жойда улар ўзларини ўз уйларида бўлгандек, ўз оилаларида тургандек ҳис қилдилар. Ҳамма жойда уларни ўзбек қардошларимиз бағрларини кенг очиб, хушнудлик билан кутиб олдилар. Биз қардош Ўзбекистоннинг турмуши билан тағин ҳам яхшироқ танишиб олдик, талантли ва меҳнатсевар ўзбек халқининг ютуқларини, жуда катта муваффақиятларини кўриб, жон-дилдан қувондик.

Меҳмондўст ўзбек диёрида ўтказилган ўн кун Қирғизистон адабиёти ва санъати усталарини халқлар дўстлигини, қардошлигини, юксак коммунистик идеалларни тараннум этувчи янги асарлар яратишга илҳомлантиради, халқларимиз социалистик маданиятининг янада гуллаб-яшнашига, КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширишга, Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашда янги муваффақиятларни қўлга киритишга хизмат қилади.

Ўзбек халқига чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, зўр бахт-саодат ва социалистик Ватанимиз шарафига қилаётган меҳнатида янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси К. Яшин сўзга чиқади, у, декада кунларида ёзувчиларнинг китобхонлар билан учрашуви, шунингдек ижодкор дўстлари билан учрашуви катта аҳамиятга эга бўлганлигини айтди. СССР халқ артисти, Қирғизистон театр жамиятининг раиси М. Рискулов сўзга чиқиб, совет халқларининг дўстлиги тўғрисида, жаҳонда дўстликдан кўра қудратлироқ куч йўқлиги ҳақида гапирди.

Бу унутилмас кеча катта байрам концерти билан тамомланди. Осмон ўпар тоғлар ўлкасининг санъаткорлари қирғиз халқининг маданияти бениҳоя яшнаганлигини музика тили билан, рақс тили билан шу концертда яна бир марта ҳикоя қилиб бердилар.

* * *

Кечқурун Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети декада қатнашчилари шарафига катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросими қизғин дўстлик вазиятида ўтди.

* * *

Ўзбекистондаги қирғиз адабиёти ва санъатининг қатнашчилари 15 сентябрда Тошкент билан хайрлашдилар. Қирғизистонлик азиз меҳмонларни жуда кўп кишилар саммий кузатиб қўйди.

МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бухоро областининг механизаторлари машина теримини бошладилар. Қоракўл районидаги «Москва» ва «Ленинград» колхозларининг механизаторлари терим агрегатларини ҳаммадан олдин ишга туширдилар. «Москва» колхозининг механизаторлари бу йил давлатга сотиладиган 6000 тонна пахтанинг ярмини машиналарда териб бериш мажбуриятини олиш, ди. Улар 20 дан ортиқ терим агрегатини икки сменада ишлатиб, пахта териш ва тайёрлаш суръатини кун сайин кучайтиришни мўлжаллашяпти.

Колхознинг Олтибой Ҳасанов бошлиқ бригадасида икки терим агрегати тўла қувват билан ишлатиляпти. Мавсумда 170-180 тоннадан «оқ олтин» териш ҳақида сўз берган Раҳмон Имомов, Зиё Жумаевларнинг ҳар бири ўз машиналари бункеридан 2-2,5 тоннадан пахта тўкиляпти. Машина теримини бошлангач, бригада кунига давлатга йиллик планнинг 7-8 процента миқдорида пахта топшира бошлади.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам терим агрегатлари бирин-кетин ишга туширилляпти. Ҳозир колхозда 5 та терим машинаси ишлаб турибди. Бугун-эртага мавжуд «зангори кема»ларнинг ҳаммаси пахтазорда суза бошлайди.

«Ленинград» колхози далаларида ҳам терим машиналарининг гурилларган овози эшитилиб турибди. Колхозда машина теримига пахта тайёргарлиги кўрилди. Барча агрегатлар сифатли ремонт қилинди. 600 гектар майдонда дефолиация ўз вақтида ўтказилди. Шу туфайли Абдулҳамид Ҳамроев, Берди Ҳамроев бошлиқ бригадаларнинг И. Пўлатов, Қўрбаев сингари механизаторлари кунлик нормаларини анча ошириб бажармоқдалар. Тажрибали механизатор Алла Ғайбуллаев «Ўзбекистон» маркали терим машинаси бункеридан дастлабки куни 4,2 тонна пахта тўпди. У мавсумда 250 тонна «оқ олтин» термоқчи. Пешқадам механизатор Бешим Ҳожиев ҳам «Ўзбекистон» маркали терим агрегати билан камида 200 тонна пахта териш ҳақида сўз берди.

Райондаги «Шарқ юлдузи», Карл Маркс номли, Навоий номли, «Октябрь» колхозларида ҳам машина терими бугун-эрта бошлаб юборилади. Бу хўжаликларда ҳосили машинада териладиган участкалар бегона ўтлардан тўла тозалаб қўйилди. Дефолиация белгиланган муддатда сифатли ўтказилди.

Район партия комитети, район ижроия комитети ва қишлоқ хўжалик бошқармаси машина теримини тўғри ташкил қилиш ва бу соҳада хўжаликларга ёрдам бериш мақсадида энг яхши мутахассис коммунистларни колхозларга бириктириб қўйдилар. Ҳар бир машинанинг иши алоҳида ҳисобга олиб борилади, тўла қувват билан тўхтовсиз ишлаши таъминланади. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси машина теримида хўжаликларга ёрдам бериш учун кўчма устахона ташкил этди ва уни тажрибали мутахассис-ремонтчилар ҳамда запас қисмалар билан таъминлади.

Машина терими дастлабки кунларданоқ ўз самарасини кўрсатмоқда. Районда пахта териш ва тайёрлаш суръати кун сайин ошиб бормоқда.

Т. НАЗИРОВ.

КУНИГА БИР ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ

ЖАРҚУРҒОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). «Социализм» колхози аъзолари 5 сентябрда теримга тушдилар. Улар 1290 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 35 центнердан ингичка толали пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини тезроқ адо этиш учун интилиб, ҳар куни йиллик планнинг бир процентидан ошириб пахта тайёрламоқдалар.

Кейинги уч кунда хўжалик давлатга 4 процентга яқин пахта сотди. К. Хўжанов, А. Эшқувватов, Р. Янгибоев, М. Оллоёровлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳар куни 1,5 процентга етказиб пахта тайёрламоқдалар.

Колхоз механизаторлари планда белгиланган 4500 тонна пахтадан 2880 тоннасини «зангори кема»лар бункеридан тўкишга сўз бердилар. Шу мақсадда 15 та агрегатнинг ҳаммаси тахт қилиниб, пайкал бошига чиқариб қўйилди.

Машина теримига ажратилган участкаларда 6 сентябрдан бошлаб дефолиация қилишга киришилди. Бу муҳим ишни 20 сентябргача юқори сифатли қилиб тугаллашга қарор қилинди

Дала гвардиячилари 20 сентябрдан машина теримини бошлаш, ҳосилнинг 50 процентини сентябрда териб олиб, йиллик планни октябрь ойининг иккинчи ярмида ошириб бажаришга бел боғладилар.

А. ХАЛИЛОВ.

КОСОН районининг кўпгина хўжаликларида пахта йиғим-терими оммавий равишда бошланиб кетди. «Шарқ юлдузи» колхозида ҳам терим суръатига суръат қўшилмоқда. Ўнлаб чеварлар кунда 130-140 килограммдан пахта теришяпти. Шундайлардан бири сиз суратда кўриб турган Ойимхон Ҳайдаровадир. Ойимхон бу йилги мавсумда 15 тонна пахта териб, хирмонга барака қўшади.

Р. Жуманиёзов фотоси.

САМОЛЁТЛАР ПАХТАЗОР УСТИДА

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон Автоном республикаси пахтакорлари бу йил давлатга 305 минг тонна «оқ олтин» армуғон қиладилар. Шундан 130 минг тоннаси «зангори кема»ларда териб олинади. Колхоз ва совхозларда машина теримига пухта тайёрлик кўрилмоқда. Дефолиация бошлаб юборилди. Биринчи кунлёк Кегайли районидаги «Халқобод» совхозида 300 гектар, Энгельс номли совхозда 100 гектар, Шуманай районидаги Киров номли совхозда 150 гектар, Тахтакўпир районидаги Ленин номли совхозда 70 гектар майдондаги ғўзалар дефолиация қилинди.

Автоном республика хўжаликларида такрор дори сепишни бирга қўшиб ҳисоблаганда 160 минг гектар майдондаги ғўзанинг барги тўктирилади. Ҳозир дори сепишда ўнлаб самолётлар ишлаб турибди. Эрта-индин уларнинг сони 45 тага етказилади. Дефолиацияни ўн кунда, яъни 25 сентябргача тугаллаш назарда тутиляпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Расмий хабарлар

Л. И. БРЕЖНЕВ Д. СИНГХНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикасининг ташқи ишлар министри Д. Сингхни 15 сентябрда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек халқаро аҳволнинг баъзи актуал масалалари, шу жумладан Осиёдаги аҳволга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

А. Н. КОСИГИН ҲИНДИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 15 сентябрда Кремлда Ҳиндистон ташқи ишлар министри Д. Сингхни қабул қилди. Д. Сингх Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

А. Н. Косигин билан Д. Сингх суҳбатлашди. Суҳбат давомида ҳар иккала мамлакат халқлари ва умумий тинчлик манфаатлари йўлида Совет—Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари қараб чиқилди.

ОВЧИШУНОС БИОЛОГЛАР IX ХАЛҚАРО КОНГРЕССИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Овчишунос биологлар IX халқаро конгрессининг қатнашчилари ва меҳмонларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан самимий табриклайман. Биз бу конгрессниг Совет Иттифоқида ўтказилаётганлигидан мамнунмиз. Табиий бойликдан оқилона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш социалистик давлатимиз фаолиятининг таркибий қисмидир.

Бизнинг мамлакатимизда мақсадга мувофиқ ов қилиш аввало, табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш чоралари умумий системасининг бўғинларидан бири деб ҳисобланмоқда. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ ов қилиш тўғрисидаги Декретни имзолаган эди. Бутун прогрессив инсоният В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда. Ана шу қонун овчилик ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги тамомила янги низомларни, овчилик хўжалигини уюштириш ва бошқариш қоидасини белгилаб берди.

Жаҳонда саноат ва қишлоқ хўжалигининг тез ривожланаётганлиги халқ сонининг ортиб бораётганлиги олимлар ва овчилик мутахассислари олдига мураккаб, лекин муҳим ва фахрли вазифани — ов қилинадиган жониворларни сақлаш ва кўпайтиришнинг тўғри йўл ва воситаларини қидириб топиш вазифасини қўяди. Турли давлатлар томонидан қўриладиган тадбирларни мувофиқлаштириб олиб бориш асосидагина бу вазифани ҳал этиш мумкин. Совет Иттифоқи келажак авлодларнинг бахт-саодатини кўзлаб, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш соҳасида халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлиб келди ва бундан буён ҳам шунга тарафдор бўлиб қолаверади

Конгрессда бу проблемаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва шу тўғрида фикрлашиб олиш жаҳон овчилик фанини ривожлантиришга янги ҳисса қўшади. Турли мамлакатлар олимларининг фанни ривожлантириш имконини яратиб берадиган ҳамкорлиги ишларнинг ер юзида тинчлик учун олиб бораётган курашида улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилашга ҳам, шубҳасиз, ёрдам беради.

Овчишунос биологлар IX конгресси қатнашчиларининг самарали ишлашларини ва ўзларининг амалий фаолиятларида катта муваффақиятларга эришувларини тилаймиз.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ДЎСТЛАРГА ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Қирғизистон ССРнинг ижодий коллективларига ва жамоат ташкилотларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини топшириш бағишланиб 14 сентябрда Тошкентда тантанали мажлис ўтказилди. Улар Ўзбекистонда қирғиз адабиёти ва санъати декадасини тайёрлаш ва ўтказишдаги самарали фаолиятлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова юксак мукофотларни Қирғизистон Ёзувчилар союзи, Композиторлар союзи, Рассомлар союзи, Кинематографчилар союзи, Журналистлар союзи раҳбарларига, республика театр жамияти, Қирғизистон ССР Фанлар академияси, Ленин орденли қирғиз Давлат Академия опера ва балет театри, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат драма театри, Тўхтогул Сотилгонов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Давлат филармонияси, Қорамўлда Ураза номидаги Қирғизистон ССР халқ чолғу асбоблари Давлат оркестри, қирғиз эстрада ансамбли, Қирғизистон халқ рақси ансамбли, «Қирғизфильм» киностудияси, С. М. Киров номидаги Ўш Ўзбек музикали драма театри раҳбарларига топширди.

Қирғизистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Б. Т. Мураталиев, Қирғизистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Абдимўминов, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти К. Каракеев мукофотланганлар номидан миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси СССР халқ артисти О. Хўжаев қирғизистонлик дўстларни муборакбод қилди.

Ё. С. Насриддинова Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан Қирғизистоннинг маданият арбобларини бахт-саодати йўлида ўтказгандиклари билан чин кўнгилдан қутлади, уларга ва социалистик Қирғизистоннинг барча меҳнаткашларига Совет Ватанининг бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатларида катта муваффақиятлар тилашга ижозат берди.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов қатнашди. (ЎзТАГ).



БАРАКА ТЕЖАМДА

Тежамкорлик тўғрисида фикр юритилганда биз кўпроқ фалон кубометр ёғоч, фалон тонна цемент, шунча минг гишт ва тежаб қолинган бошқа материалларни кўз олдимизга келтиришга одатланиб қолганмиз. Астойдил муҳокама юргизиладиган бўлса, ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳаммаси, меҳнатни ташкил этиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва ниҳоят кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш каби қатор масалалар кундалик бўлиб туради. Трестимизда тежамкорлик соҳасида олиб борилаётган асосий ишлар устида тўхтаб тўлиқчиман.

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш тежамкорлик билан ишлашнинг асосий шартларидан биридир. Трестимизнинг инженер-техник ходимлари кейинги йилларда бу масалага жиддий эътибор бера бошладилар. Битта қодий мисолни келтирайлик. Қурилиш объекти танланди. Қозиқлар қоқилиб, иморат ўрни ҳам белгиланди. Энди унга қурилиш материаллари келтирилиши керак. Маълумки, материаллар машиналарда келтирилади. Демак қурилиш майдонига транспорт кириб чиқиши учун йўл тайёрлаш лозим. Йўл қурганда ҳам ҳар томонга ўйлаб қуриш лозим, токи асфальтланган йўл қайта-қайта ковланмайдиган бўлсин. Тажриба, йўл равон бўлганда меҳнат унумдорлиги бир мунча ошишини кўрсатди. Бунинг устига шоферлар ҳам бажонидил қурилиш объектига қатнайди, қурилиш материаллари нест-нобуд бўлмайди, машиналар бузилмайди.

Объектга келтирилган бинокорлик материалларини тахтлаш, сақлаш учун жой хозирлашнинг аҳамияти катта. Трестимизга қарашли бошқармаларнинг инженер-техник ходимлари ва активлари ана шу масалаларга жиддий ёндошдилар. Бинокорлик материаллари ва механизмлари ноқонуний ишлатилишига чек қўйилгани натижасида ўтган йили 210 минг сўм иқтисод қилинди.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича бошқа бир қанча ишлар ҳам қилинди. 2- ва 3-Қўйлиқ массивида қурилаётган уй-жой бинолари пойдеворини трестимиз ишлаб беради. Ғилгарилари ишнинг нотўғри ташкил этилганлиги натижасида ортиқча ҳаражатлар бўларди. Чунончи, инженерлик коммуникациялари пойдевор қўйилгач, уни бузиб ўтказиларди. Кейинги вақтларда инженерлик тармоқлари пойдевор қўйишдан олдин ўрнатила бошлади. Бунинг натижасида ишчи кучи ва материал сарфи бир мунча камайди, иш сифати яхшиланди.

Тежамкорликка эришишнинг яна бир йўли хўжалик ҳисобини жорий этишдир. Ҳозир трестимизда олтита хўжалик ҳисобидаги бригада ишлаб турибди. Бу бригадаларда қурилиш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги туфайли кўплаб маблағ иқтисод қилиб қолинди. 5-қурилиш бошқармасига қарашли Янис Вилярис бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригада ўтган йили 18 минг гишт, 4,5 кубометр ёғоч, кўплаб цемент ва қоришма тежаб қолди. Бинокорлик материалларининг беҳуда исроф бўлишига йўл қўйилмаяпти.

16-қурилиш бошқармасининг Леонид Запривода бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадаси пойтахтимизнинг «Дружба» кўчасидаги тўққиз қаватли тажриба-намуна тарҳасида қурилаётган бинода меҳнат қиляпти. Бу бригада рационализаторлари ёғоч опалубкалар юзасига тунука қоплаб, ундан фойдаланиш муддатини анча узайтирдилар. Ғилгарилари опалубка тахталардан беш марта фойдаланилган бўлса, тунука қоқилгач, саккиз марта фойдаланилмоқда. Энг муҳими, иш сифати яхшиланиб, меҳнат маданияти кўтарилганлигида.

Тежамкорлик 23-қурилиш бошқармасига қарашли Шокир Шамгунов, 36-қурилиш бошқармасига қарашли Иван Бусыгин бошлиқ бригадаларда ҳам яхши йўлга қўйилган. 15, 23, 5-қурилиш бошқармалари ҳам меҳнатни оқилона ташкил этиш, бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасида қуйончли муваффақиятларга эришдилар. Доно халқимизнинг «Барака тежамда» деган ҳикматли сўзи бор. Граммлардан тонналар ҳосил бўлади, дегандардек, доналардан, кубометрлардан бинолар барпо этилади. Бироқ, кўпгина қурилиш объектларида бинокорлар қурилиш материаллари ёки механизмлар етишмай қолаётганлиги сабабли бекор туриб қолаётир. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, саноат корхоналари бошқармаси бу ачинарли аҳволга эътиборсизлик билан қараётир.

Масалан, «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқариш корпусини қуриш партия ва ҳукуматнинг қарори билан бизнинг трест зиммасига юклатилган. Бу муҳим объект қурилишига трестнинг энг яхши ишчилари ва инженер-техник ходимларини бириктириб қўйганмиз. Бироқ, энг яхши ишчи кучларимиз «Главташкентстрой»га қарашли саноат корхоналари бошқармаси ходимларининг пўлат-темир бетон конструкциялар билан ўз вақтида таъминламаётганлиги сабабли бекор туриб қолмоқдалар.

Трестимизга қарашли кўпгина қурилиш объектларида иш икки сменада ташкил этилмаганлиги қурилиш муддатларини чўзиб юбормоқда. Ишчи-кадрларга бўлган талаб ҳануз қондирилмаётир.

Трестимизда тежамкорлик ишлари билан махсус комиссия шуғулланади. Бу комиссия уч йил муқаддам ташкил этилган бўлиб, унда трест партия ташкилотининг секретари раҳбарлигида ўн уч киши ишлаб турибди. Комиссия составида барча бошқармалардан вакиллар бор. Комиссия сменаларарО бекор туриб қолиш ҳоллари ҳозир ҳам мавжуд. Масалан, Самарқанд область 2-«Гулбулоқ» совхозининг дирекцияси мутахассисларининг совхозда доимий болалар боғча-яслиси ташкил этиш тўғрисидаги ҳақли илтимосларини қондирмаётганига 2 йилдан ошди. Республика озиқ-овқат саноати министрлигида бу масала деярли бир йилдан буён ижобий ҳал этилмаётир.

Баъзи маҳаллий ва республика ташкилотларида ҳам шунга ўхшаш ҳоллар рўй бермоқда. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қаршилигидаги Хива — Қўнғирот участкасида газ қувурлари ётқизилаётган пайти тасвирланган.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувурининг иккинчи навбат қурилиши тез суръатлар билан давом этаётир. Бу қувурдан мамлакатимиз саноатига ва маданий-маиший корхоналарига 30 миллион кубометр «зангори олов» юборилиб турилади. Суратда: Иккинчи навбат қурилишининг Хива — Қўнғирот участкасида газ қувурлари ётқизилаётган пайти тасвирланган.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Сурхондарё область, Сариосиё районида «Шарғун» кўмир кони ишчи, инженер-техник ходимлари яхши кўрсатичларни йўлга қиритаётирлар. Суратларда: (юқорида) илғор кончи Ҳанберди Раҳматов. Пастдаги суратда эса, қазиб олинган кўмирнинг осма вагончаларда ташиб олинишидан.

И. Ҳўжанов фотолари.

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ УЧУН

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Коммунистик партия ҳамма ходимлардан меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини ўз вақтида ҳал этишни, уларнинг истак ва эҳтиёжларини, таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олишни талаб этмоқда.

Узбекистон ССР Министрлар Совети номига ҳам меҳнаткашлардан ҳар куни хатлар келиб турибди. Улар кўпинча оғзаки ариза ва шикоятлар билан ҳам мурожаат қилмоқдалар. **Кейинги йилларда меҳнаткашлардан тушаётган хатларнинг характери ўзгармоқда. Шахсий характерга эга бўлган хатлар сони камайиб, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мактублар, таклифлар кўпаймоқда.** Уларда меҳнаткашлар республикамиз моддий бойликларини янада кўпайтириш, совет ва хўжалик ташкилотлари фаолиятини яхшилаш ва такомилаштириш ҳақида ёзадилар.

Меҳнаткашларнинг кўпгина хатлари қатор ташкилотлар ишидаги камчиликларни ўз вақтида олдини олишга ёрдам бераётир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Сурхондарё область Денов номли колхоз аъзоларининг сигнали бўйича бу ерда қишлоқ хўжалик артели устави, қондалари бузилганлиги, колхоз бойлиги талон-торож қилинганлиги аниқланди. Текшириш якунлари колхозда ва Денов район партия комитетида муҳокама қилиниб, моддий зарар ўрнини қоплаш ва колхоздаги хўжасизлик сабаларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Айбдор шахслар жавобгарликка тортилди. Самарқанд область «2- Қўшработ» совхозининг ишчилари хати бўйича шу совхознинг 100 дан ортиқ қўйи ўғирланганлиги аниқланди.

Меҳнаткашларнинг хатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари барча раҳбарларининг бурчидир.

Сўнгги йилларда республикамиз совет ва жамоат ташкилотлари, КПСС Марказий Комитетининг 1967 йилда меҳнаткашлар хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни ташкил этишни яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорини амалга ошира бориб бу соҳада маълум натижаларга эришдилар. Лекин, шу нарсани тан олиш керакки, кўпгина меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар, шунингдек республикамиз қатор министрликлар ва идораларида жойлардан тушган сигналларга бюрократларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳозир ҳам мавжуд. Масалан, Самарқанд область 2-«Гулбулоқ» совхозининг дирекцияси мутахассисларининг совхозда доимий болалар боғча-яслиси ташкил этиш тўғрисидаги ҳақли илтимосларини қондирмаётганига 2 йилдан ошди. Республика озиқ-овқат саноати министрлигида бу масала деярли бир йилдан буён ижобий ҳал этилмаётир.

Баъзи маҳаллий ва республика ташкилотларида ҳам шунга ўхшаш ҳоллар рўй бермоқда. **Тошкент шаҳар ижроия комитетининг** савдо бошқармасига гражданлардан магазинларда савдо қоидалари бузилаётганлиги тўғрисида шикоятлар тушган эди. Бунга бошқармада етарли эътибор берилмади. Шу боисдан ҳам кўпгина гражданлар савдо бошқармасини четлаб юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида Фарғона областидаги қатор совет ва хўжалик ташкилотларида, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигида, Савдо министрлигида, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигида, Тошкент шаҳар аҳолига хизмат кўрсатиш бошқармасида меҳнаткашлар таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ишида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди. Ушбу ташкилотларда меҳнаткашлар хатларида ва шикоятларида кўтарилган масалаларни тўғри ва ўз муддатида ҳал этишни мунтазам назорат қилиш қониқарсиз олиб борилмоқда. Шикоятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, уларнинг ўз вақтида олдини олиш учун таъсирли чора ва тадбирлар кўрилмаётир. Матбуотда босилган танқидий мақолалар юзасидан ҳам жуда кеч чора кўрилмоқда. Мазкур ташкилотлар ўз коллегиялари ва мажлисларида текшириш якунларини муҳокама қилдилар. Ҳозир меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини кўриб чиқиш иши бу ташкилотларда маълум даражада яхшиланди. Лекин, кўрсатилган камчиликлар ҳали тўла бартараф қилинганг йўқ.

Меҳнаткашлардан келаётган баъзи хатлар шахсий характерга эга бўлиб, турли илтимослардан иборат. Шубҳасиз, бу хатлар қизиқиш туғдириши билан бирга, бартараф қилинишн зарур бўлган камчиликларни билишга ёрдам беради. Лекин, меҳнаткашларнинг шахсий талабларини жойларнинг ўзида ҳал этиш лозим. Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш керакки, маҳаллий ташкилотлар меҳнаткашларнинг хатлари ва оғзаки илтимослари, таклифларига яхши эътибор бермаётганликлари, улар кўрсатаётган камчиликлар юзасидан тегишли тадбирларни амалга оширмаётганликлари сабабли аризачилар юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Республика Министрлар Советига келаётган шикоятларнинг кўпчилигида уй-жой ва коммунал-маиший масалалар акс этган. Бу масалаларни маҳаллий ташкилотларнинг аоелашувсиз ҳал этиш мумкин эмаслиги маълум. Кўпгина меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларида қурилиш ишларидаги камчиликлар, уй-жой билан таъминлаш ҳақида меҳнаткашлар томонидан тушган аризалар кам кўрилади, баъзан улар жавобсиз қолдирилади. Бунинг устига баъзи шаҳарлар, район марказлари ва совхоз посёлкаларида уй-жойларни фойдаланишга бериш плани бажарилмаётир. Бу уй-жойга муҳтож бўлган гражданларнинг талаблари тўла қондирилмаётганлигини кўрсатади.

Бу масалалар сўзсиз маҳаллий ташкилотлар, асосан маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва уларнинг уй-жой-коммунал бўлимларида ҳал этилиши лозим.

Меҳнаткашларнинг хатларида маҳаллий ташкилотлар ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳам кўзгудагидек акс этади. Республика Министрлар Советига келаётган хатлар айрим маҳаллий ташкилотлар ишидаги камчиликлардан бири — фактларни таҳлил қилишни билмасликларини, уларни келтириб чиқараётган сабабларни очиш ва ўз вақтида таг-томири билан тугатишга эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Масалан, Чилонзор массивида ва бошқа янги уй-жой массивларида яшовчилардан маиший шароитнинг ёмонлиги тўғрисида кўплаб шикоятлар тушмоқда.

Республика Министрлар Советига келаётган хатлар орасида баъзан қуйидаги сатрларни учратиш мумкин: «... Маҳаллий ташкилотлар бизнинг шикоятимиз юзасидан тегишли чора кўрмаётганлиги туфайли Сизга илтимос билан мурожаат этишга мажбур бўлмоқдамиз».

Меҳнаткашларнинг хатларида ана шундай ташвишли сўзлар бўлмаслиги учун нима қилиш керак? **Аввало, ҳар бир хат ортида жонли инсон туришини ҳар бир раҳбар ходим кўз олдига келтира билиши, ўзини унинг ўрнида тасаввур қилиши лозим.**

Ҳар бир аризани маҳаллий Совет ва хўжалик ташкилотлари диққат билан кўриб чиқиши ва қониқарли жавоб беришлари даркор. **Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, меҳнаткашларнинг ҳақли талабларини айрим сабабларга кўра дарҳол қондириб бўлмайди. Бу ҳеч кимга илтимосни ёки талабни жавобсиз қолдириш, сукут қилиш ҳуқуқини бермайди.**

Кўпгина қишлоқ районларида ва айрим шаҳарларда Совет қонунларини тушунтириш иши яхши йўлга қўйилмаган. Баъзан масъул ходимлар гражданларнинг асоссиз илтимосларига тўғри жавоб бермайдилар. Уларнинг илтимосларини қондириш мумкин эмаслигининг ҳақиқий сабабларини тушунтирмайдилар.

Лекин, шундай шахслар ҳам борки, улар ариза ёзишлик қилиб идорама-идора юришни касб қилиб олганлар. Улар одамларнинг вақтини бекорга оладилар. Бундай шахслар тегишли жазога тортилиши лозим. Лекин, адолатли шикоят қонда бўйича ўз жойида қисқа муддатда ҳал этилиши лозим.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига сезгирлик билан жавоб бериш ленинча иш услубининг асосий хусусиятларидандир. Меҳнаткашлар хати билан ишлайдиган ҳар бир ходим бунни доимо эсда тутиши лозим.

В. И. Ленин **меҳнаткашлар хатларини ҳақиқий ҳужжат деб атар, уларни эҳтиёт қилиш ва сезгирлик билан кўриб чиқишни талаб қилар эди.**

Х. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси хатлар группасининг бошлиғи,
П. СЕЛИН,
старший референт.

ЛЕНИНЧА ПАРТИЯВИЙЛИК — РЕВОЛЮЦИОН САНЪАТ БАЙРОҒИ

ПРАВДА

1905 йилда революцион воқеалар билан қизиб турган чор Россияси шароитида Ленининг «адабиёт партиявий бўлиши лозим» деган эҳтиросли сўзлари биринчи марта янграган кундан бери жаҳонда жуда кўп воқеалар бўлиб ўтди. Шундан сўнг орадан 12 йил ўтгач, пролетариат Ленин партиясининг раҳбарлигида ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолди, сўнгра эса янги жамият — социалистик жамият қурди. Янги тузум шароитида адабиётнинг ижтимоий мавқеи бутунлай бошқача бўлиб қолди. В. И. Ленин олдиндан айтиб қўйганидек, адабиёт «буржуазия қуллигидан қутулиб чиқиб, чинакам илғор ва охиригача революцион синфнинг харакати билан қўшилиш» имкониятини олди.

Шунинг учун ҳам адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги тўғрисидаги буюк ленинча таълимотга социализм душманларининг, буржуазиянинг ғазаби қўзғ катта.

Революцион санъат манифести бўлган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласининг у ёки бу қоидаларини ҳозирги кунда ҳам ўзларини ўта инсон деб санаб юрган, анархистлашган, «бир қайнови ичида интеллигентлар», деб Ленин мақсада қилган буржуа эркинликларининг ашаддий ҳомийлари бўлмиш адабий декаданс вакиллари оғзаки ва матбуотда қораламоқдалар, зўр бериб сохталаштирмоқдалар.

Икки идеологиянинг кураши жуда кескинлашиб турган ҳозирги шароитда социализм дунёси билан капитализм дунёси ўртасига «кўприк солишга», жамиятимизнинг қозвий тирғакларини «нуратишга» интилаётганлар марксизмнинг мана шу классик асари жуда катта таъсир ўтказувчи кучга эга эканлигини, унинг қудратли революцион кучини жуда яхши биладилар. Ленининг мақоласида таърифланган ва унинг бошқа асарларида ривожлантирилган коммунистик партиявийлик принципи КПССнинг бадиий жараёнга раҳбарлик қилишдаги тажрибасида ўзининг жонли ифодасини топди, жамиятни қайта қуриш бадиий знёлиларимизнинг сафларини коммунизм ишига фидокорона хизмат қилиш заминида жипслаштириш учун курашнинг қудратли қуроли бўлиб қолди.

Совет санъатининг, бутун идеологиямизнинг партиявийлиги жаҳон реакциясининг идеологик диверсияларига қарши, совет жамиятини зимдан бузиш, унинг монолит бирлигини қақшатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кураш даги ишончли қуролдир. У — жаҳон санъати хазиналарини тўлдирувчи эстетик бойликларни яратишнинг энг муҳим омилидир.

* * *

Ленининг эстетик мероси, унинг адабиёт ва санъат масалаларига доир ишлари ва аввало «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» деган мақоласи бадиий ижодкорликнинг табиати ва мақсадига идеалистик, буржуа индивидуалистик қарашларга қарши, ижтимоий онгнинг мана шу жуда муҳим соҳасига ёндошишдаги вульгар-социологик, сектантчилик тенденцияларига қарши Маркс ва Энгельс олиб борган муросасиз қозвий курашнинг янги тарихий шароитидаги давомидир.

Партиявийлик масаласини ленинча қўйишдаги принципиал янгилик, аввало, ҳар қачонгидан кўра кўпроқ қозвий қуролланган ва ташкилий жипслашган янги типдаги оммавий революцион партияни тузиш билан боғлангандир. Жаҳон революцион ҳаракатининг пролетариат тарихий кураш майдонига чиққан янги боскичи шароитида партиянинг сиёсий йўли коммунистик партиявийликнинг мезонини биринчи марта мана шундай аниқ-равшан қилиб кўрсатиб беришга имкон берди.

Ленин идеялари билан қуролланган марксизм эстетикаси сиёсий стратегия ва тактиканинг категорияларини фаолиятнинг специфик соҳаси бўлган санъатга сира суриштирмай татбиқ қила беришдан иборат вульгарлаштирувчи тенденциялардан ҳамиша ҳоли бўлиб келди. Марксизм эстетикаси санъатнинг спецификасини ҳамиша эсда тутиб, шу билан бирга ҳеч қачон уни ижтимоий ривожланишнинг ва курашнинг етакчи қонуниятларидан четда турган ҳодиса деб ҳам қараган эмас. Ленин санъатнинг коммунистик партиявийлигини партия ҳал қилаётган вазифалардан, партиянинг программаси ва практикасидан қандайдир мустақил бир нарса деб ҳеч қачон ўйлаган эмас. У партия шиорлари «ҳамиша омманинг революцион ташаббускорлигидан олдинда бориши, оммага машъал бўлиб хизмат қилиши, демократик ва социалистик идеалимизнинг бутун улуғворлигини ва бутун шукуҳини оммага кўрсатиб турши...» керак, деб ҳисоблади. Ленининг бу сўзлари улуғворлик, гўзаллик деб аталган эстетик категорияларни тушуниб олишимизга ёрдам беради. Чинакам демократик ва социалистик идеал тарихнинг онгли ва уюшган бунёдкорлари онгида ва қалбида, гасаввурларида, ҳиссиётларида яшаб турганидагина воқеликда ўз ифодасини топади.

Оммани жипслаштирувчи, янги турмуш қуришда қатнашишга сафарбар қилувчи мана шу идеалки ўрнатишда санъатнинг роли катта.

Адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча принцип кўп қирали тушунча бўлиб, санъаткорнинг жамиятдаги энг илғор синф манфаатлари билан қозвий боғланганлигини, унинг социализм идеялари ҳақлигига бутун жондили билан ишонганлигини, мана шу идеяларни ўрнатиш ва ғалабаси йўлидаги актив ижодий фаолиятни ифодалайди. Санъаткорнинг партиявийлиги унинг ички пафоси, ижодининг ижтимоий йўналиши коммунистик партиянинг буюк мақсадлари билан объектив равишда мос бўлиб тушишида ўз ифодасини топади.

Ленин адабиёт ва санъатни турмушни билиш, турмушни революцион асосда қайта қуриш воситаси деб билди. Санъаткорнинг юксак ижтимоий бурчи шуки, у ўзининг ижодида турмушни тарихий ҳаракатда ҳаққоний акс эттириши, инсониятнинг революцион фикрини «социалистик пролетариатнинг тажрибаси ва жонли иши билан» мужассамлантириши лозим. Воқелик билан чамбарчас боғланиш бадиий ижодкорликнинг энг муҳим қонунияти бўлиб майдонга чиқади. Ленин айтган эдики, ҳар хил оппортунистлар ҳам турмушдан ўрганиш зарур деб айтишни яхши кўришади-ю, аммо ўзлари революцион турмуш сабоқларидан ҳамиша орқада қолаверадилар, уларнинг ўлик доктриналари ҳамиша «турмушнинг чуқур талабларини ифодаловчи, халқ оммасининг энг туб манфаатларига даҳл қилувчи революциянинг зўр оқимидан орқада қолиб кетаверади».

Ленин бадиий ижодкорликнинг партиявийлиги объектив зарурат эканлигини эътироф қилиб ва асослаб бериш билан ғина кифояланмасдан, шу билан бирга адабиёт ва санъатнинг, бадиий жараёнинг энг мураккаб ҳодисаларини партиявий позицияда туриб анализ қилишнинг порлоқ намуналарини ҳам кўрсатиб берди. Унинг Л. Толстой тўғрисидаги машҳур мақолалари, бошқа кўпгина ёзувчилар ҳақидаги чуқур мулоҳазалари марксча танқид ва адабиётшуносликнинг бутун тарихини олиб қарасанг, ана шу ўзаро муносабатларнинг ўзи ҳам катта санъаткорга бевосита, муттасил партиявий таъсир ўтказишнинг, унинг ижодига нисбатан авайлаб ва шу билан бирга ғалабчан муносабатда бўлишнинг, қозвий хатолар ва нуқсонларга муросасиз бўлишнинг энг ибратли намунаси эмасми, ахир.

Ленин партиявийлик проблемасини ижодий эркинлик проблемаси билан узвий равишда боғлаб таҳлил қилди. Санъатнинг объектив конунияти шундан иборатки, санъаткорнинг эркинлик билан танлаш ҳуқуқи — ўзининг табиий даврининг тарихасида — шу ҳуқуқни «тарихнинг қатъий кўрсатмаларига» асосланиб, жамият манфаатларини, халқ манфаатларини назарда тутиб, амалга ошириш мажбуриятини тақозо қилади. Жамиятда яшаб туриб, жамиятдан ҳоли бўлиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб ўтган эди Ленин. Марксизм бадиий ижодкорликнинг спецификасини эътироф қилади-ю, лекин уни асло абсолютлаштирмайди, чунки абсолютлаштириш анархистик ўзбошимчаликка, субъективистик бебошликка йўл очиб беради.

Санъаткорни реал турмушдан, ижтимоий курашдан четга судрайдиган анархистик-индивидуалистик таъсирлар ижод эркинлигининг ҳақиқий душмани эканлигини Ленин кўрсатиб берди. Анархизм ва индивидуализм социализмнинг табиатига, идеяларига сира тўғри келмайди. Капитализм ижодкорга чинакам эркинлик беролмайди. У ижодкорни пулдорларга муқаррар қарам қилиб ва таҳқирлаб қўяди.

Бизнинг қозвий душманларимиз «партия санъат арбобларининг нималардан ялқомланиши кераклигини кўрсатиб турадиг» деб, онга сингиб кетган қозвийлик бадиий ижодкорлик учун ҳалокат келтиради деб, партиявийлик санъатнинг вазифасини олдиндан белгилаб қўяди, социал ва сиёсий идеяларни юзаки тасвирлашдан иборат қилиб қўяди деб, тинмай такрорлаб келмоқда.

Адабиётимизнинг ўзи, катта фикрлар ва чуқур ҳаётий ифодаси бўлган, инсониятнинг бадиий ривожланишида олга қўйилган қадам бўлган адабиётимизнинг ўзи шу уйдирмаларни рад қилувчи энг яхши далилдир. Енгиб чиққан социализм санъаткорларга эркин ижод қилиш учун, новаторлик изланишлари учун кенг майдон очиб бермоқда. Ленин таъбири билан айтганда, ғараз ва амалпарастлик эмас, балки социализм ғояси ва меҳнаткашларнинг ҳайрихоҳлиги адабиётнинг ривожланишини белгилаб бериб турганидагина, адабиёт миллион-миллион меҳнаткашларга мурожаат қилганидагина, у чинакам эркин бўлиб қолади.

Халққа ошкора, ҳалол хизмат қилиш — социализм учун курашда қатнашиш санъаткорнинг талантига қанот боғлайди, унга ўзининг ижтимоий қимматини ҳис қилдиради.

Оламга чинакам илмий марксча қарашдан келиб чиқаётган партиявийлик санъаткорни, муҳолифларимиз даъво қилганларидек, объективликдан маҳрум қилиб қўймайди, балки, аксинча, шу объективликка санъаткорни олиб келади, ҳаётий ва бадиий ҳақиқатга олиб келади.

Марксчи-ленинчи партиялар раҳбарлигида меҳнаткашларнинг жамиятни революцион тарзда янгилаш учун олиб бораётган кураши ривожланиши ва чуқурлашуви билан, коммунистик маданиятнинг қуришдаги тажрибалар кўпайиб борган сари социалистик санъатнинг янги зўр отрядлари пайдо бўлиши билан ижодкорликнинг партиявийлиги деган тушунчанинг мазмуни ҳам бойиб боради. Социалистик реализм санъатида партиявийлик халқчилликнинг олий формаси бўлиб, асарнинг қозвий мазмуни ва бадиий тузилишига сингиб кетган, унинг ички пафосини белгилаб бераётган эстетик сифат бўлиб майдонга чиқади. Партиявийлик санъаткор шахсий дунёсининг энг муҳим таркибий қисмидир, санъаткор ижодини характалантирувчи кучдир.

* * *

Социализм шароитида маданиятга стихия, анархия ҳукмрон бўлиб қолади, деб фараз қилган Каутский туркидаги ревизионистлар ва оппортунистларга қарамақарши ўлароқ, Ленин бадиий ижодкорлик жараёнига актив таъсир ўтказиб туриш партия учун, социалистик жамият учун тарихий зарурат эканлигини ҳар доим таъкидлаб келди.

У адабиётнинг партиявийлик принципини илгари суриб, «бу принципни ривожлантиришни ҳамда уни мумкин қадар тўлиқ ва яхлит шаклда турмушга ўтказишни» социалистик пролетариатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблади. Адабиёт иши — умумпролетар ишининг ажралмас бир қисми бўлиши керак.

Ленин тушунган тарзда адабиёт ва санъатнинг ривожланишига партиявий

«ЎЗБЕКИСТОН» МЎЪЖИЗАСИ

Пахта териш машинэлари йилдан-йилга такомиллашиб бораётганлиги биз, механизаторларни чексиз қувонтиради. Техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ошириш омили эканлиги тажрибэда синалган. Деҳқоннинг оғирини енгил қилиш мақсадида мукаммал механизмлар яратаётган конструкторларимизга ташаккур изҳор этишга сўз топиш қийин.

Тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинэсининг мўъжизаси ҳаммамизни қойил қилди. Бу ажойиб агрегатни бошқарган механик-ҳайдовчилар ўтган йилги мавсумда 180-200 тоннадан пахта тердилар. Мен бригэдага бошчилик қилиш билан бирга машина бункеридан 165 тонна «оқ олтин» тўкдим. Бу йилги мавсумда «Ўзбекистон» агрегати билан 200 тонна пахта теришга сўз берганман.

Колхозимиз пахтачиликни комплекс механизациялаш учун кураша бориб, теримни машиналаштиришда олдинга дадил қадамлар қўйди. Ўтган йили 1347 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37.5 центнердан, жами 4969 тонна пахта ҳосили йиғиб олинди. Шундан 2925 тонна пахта «зангори кема»лар билан терилди. Машина терими 71 минг сўм маблағни тежаш имконини берди. Бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга, ялпи ҳосилни 5388 тоннага етказиш. 4000 тонна пахтани машиналарда териш мажбуриятн олинди. Бригадамизда бултур 74 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46.2 центнердан пахта етиштириб, ҳосилнинг 300 тоннасини машинада терган эдик. Бу йилги марра — 50 центнер. Ҳосилнинг ҳаммасини «зангори кема»лар билан теришга аҳд қилдик.

Далаларда юксак мажбуриятга яраша юқори ҳосил етиштирилди. Ҳар тупда 10-12 тадан тўқ кўсак бор. Чигит бўрвақт экилган далаларда пахта очила бошлади. Гўза тупларнинг ярмидан кўпрогида 2-3 тадан кўсак очилганидв дефолиацияга киришамиз. Машинада териладиган майдонлар бегона ўтдан тозаланган. Машина йўлларидаги жойлар, ўқариқлар текисланяпти.

Мавжуд 31 терим машинаси сифатли ремонт қилиниб, кўрикдан ўтказилди. 80 механик-ҳайдовчи шай бўлиб турибди. Ҳозир бизда иккита «Ўзбекистон» агрегати бор. яна шу маркадаги тўртта машина оляпмиз. 6 та тўрт қаторли агрегатнинг ўзи билэн 100 тоннадан кўпроқ пахтани йиғиб олиш кўзда тутилмоқда. Йўлдош Ёқубов, Марямхон Машарипова, Аваз Болтаев. Рўзимбой Олимов каби моҳир механик-ҳайдовчилар машинада пахта териш юзасидан юксак мажбуриятлар олдилар.

Колхозимиз механизаторлари машина теримида жасорат кўрсатиб. ўз вэзъдаларига вафо қиладилар. маррага тезроқ етиб боришимизга баракали ҳисса қўшадилар.

Ўғилжон НУРУЛЛАЕВА,
Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг республикада хизмат кўрсатган механизатори.

МУКОФОТ МУБОРАК!

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ЧИПИЛЕНКОНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун ички хизмат майори марҳум Василий Иванович Чипиленко СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 15 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. МУСТАФОЕВНИ «ЎТ ЎЧИРИШДАГИ ЖАСОРАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Енгинни ўчиришда ва ёнғин вақтида одамларни қутқаришда кўрсатган довюраклиги, жасорати ва мардлиги учун «Узсельхозтехника» Шаҳрисабз бирлашмасининг обкаткачи-слесари Сейдамед Мустафоев СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ўт ўчиришдаги жасорати учун» медали билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 15 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

* * *

1969 йил 12 июнь куни Шаҳрисабз шаҳрида граждан М. А. Денисенконинг уйида электр сими бир-бирига туташувидан ёнғин чиқди. Уйнинг айвони ўт ичида қолди. Айвондаги газ баллони қизиб портлаб кетди, портлаш тўлқинидан ўт ички хоналарга ҳам ёйилди. Шу вақтда эр-хотин Денисенколар шу хонада ухлаб ётишарди.

Бутун айвон ловуллаб ёнар, уй ичидан чиқиб бўлмас эди. Уйнинг деразаларига темир панжаралар қоқилган эди. Қўшниларнинг бақириғини эшитган С. Мустафоев югуриб келиб, деразадаги панжарани лом билан синдирди ва уй эгасининг ёниб турган бинодан чиқиб олишига ёрдам берди. Денисенконинг рафиқаси хушсиз ҳолда квартирада қолган эди. Бадани куйишига қарамасдан С. Мустафоев ёниб турган уйга кириб аёл кишини омон сақлаб қолди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. Н. НАЗИРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик самарали ишлари ва республика машинасозлик саноатини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Таштекстильмаш» заводининг директори Замон Назирович Назировга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 15 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. К. ДАНЧЕНКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик самарали ишлари ва республика химия саноатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун давлат азот саноати ва органик синтез маҳсулотлари илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти (ГИАП) Чирчиқ филиалининг бош инженери Борис Константинович Данченкога «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1969 йил 15 сентябрь.
Тошкент шаҳри.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

КАТТА ҚУЛАЙЛИК

Узбекистон касаба союзлари совети президиуми касаба союз ташкилотларида ёшлар тарбиясига бўлган эътиборни яхшилаш мақсадида бир қанча чора ва тадбирлар белгиладн. Жумладан, йил охиригача иттифоқ ва республика бўйлаб туристик маршрутларда саёҳат қилувчилар сафи 45 мингга етказилиб, ўлка бўйлаб уюштириладиган саёҳат ва юришларга бир миллиондан зиёд киши жалб этилади.

Клубларда, маданият уйлари ва истироҳат боғларида меҳнат ҳамда революция ветеранлари билан учрашувлар, ишчилар синфига бағишланган кечалар ўтказиш, балоғат ёшига тўлганларга тантанали равишда паспорт топшириш каби ишлар кенг йўлга қўйилади. Ешлар ўртасида оммавий-спётский, маданий-маиший ишлар билан шуғулланишга алоҳида эътибор берилади.

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Республика касаба союзлари совети президиуми Узбекистон комсомоли Марказий Комитети билан биргаликда болалар ўртасида техник машғулотларни ривожлантириш юзасидан карор қабул қилдилар. Қарорда касаба союз область советлари, завод-фабрика ва маҳаллий касаба союз комитетлари, область, шаҳар комсомол комитетлари ҳамда бошланғич комсомол ташкилотлари зиммасига уч ой давомида мактабдан ташқари болалар муассасаларн ишларини чуқур ўрганиб чиқиш ва ёшларнинг техника ўқувини намунали йўлга қўйиш топширилди.

Болаларга техника билими берувчи муассасалар зарур материаллар, турли хил анжомлар билан тўлиқ таъминланади. Республика туризм совети эса болаларни фан-техника ютуқлари билан таништириб бориш мақсадида тематик экскурсиялар ташкил этади.

ЮБИЛЕЙ ФЕСТИВАЛИ

Узбекистоннинг область, шаҳар ва районларида бадиий ҳаваскорларнинг фестивали ўтказилади. В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига бағишланган бу фестиваль шу йилнинг сентябридан 1970 йилнинг май ойигача давом этади.

Фестиваль «Ильич ғоялари амалда», «Совет халқлари дўстлиги» ва «Пролетариат интернационализмига садоқат» шиори остида ўтади. Кўрик уч босқичда — шу йил сентябр ойидан декабргача саноат корхоналари, совхозлар, муассасалар ҳамда ўқув юртларида, шунингдек, 1970 йилнинг январида область ва районларда, сўнгра Тошкентда бўлади. Май ойида эса халқ хунармандларнинг республика кўргазмаси очилади.

Узбекистон касаба союзлари совети ҳузурида ташкилий комитет тузилади.

ЯХШИ ТАДБИР

Аҳоли ўртасида маданий-маиший ва маданий-оқартув ишларини оммавий ривожлантириш мақсадида жамоатчи агитатор ҳамда пропагандистларнинг Ленин юбилейига бағишланган кўригини ўтказишга қарор қилинди. Мусобақа тарзида ўтадиган кўрикнинг якуни Тошкентда бўлиб, унга республиканинг турли район ва қишлоқларидан келган 18 голиб агитбригада қатнашади.

Узбекистон касаба союзлари советида кўрикни ўтказиш комиссияси ва жюри аъзолари состави тасдиқланди.

ҲАР СИГИРГА ЎН ТОННАДАН

Калинин районининг колхоз ва совхозларида сут-товар хўжалиги яхши ривожланган. Бу ерда йил давомида ҳар бир сигирдан уч минг литрдан сут соғиб олиш ва бу йил давлатга 8808 тонна сут сотиш, бундан ташқари 3859 тонна гўшт ва қарийб 20 миллион дона тухум тайёрлаш назарда тутилмоқда. Район чорвадорлари мустаҳкам озиқа базаси вужудга келтирйш. кўпроқ дағал хашак жамғариш ва силос бостириш маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг асосий гарови эканлигини ҳисобга олиб, бу муҳим ишга кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Район чорвадорлари бу йил 24 минг тонна дағал хашак жамғариш ва 37 минг тонна силос бостириш мажбуриятини олишган эди. Шуни айтиш керакки, район хўжаликларида пичанзорлар жуда кам. Шу сабабли дағал хашак асосан беда пичани ҳисобига тайёрланади.

Сигирнинг сутини кўпайтиришда тўйимли озуқа ҳисобланган беда пичани бир қаторда, ширали маккажўхори силоси ҳам катта роль ўйнайди. Буни ҳисобга олиб, 1300 гектар майдонга экилган маккажўхори яхши парвариш қилинди ва унинг ҳосили кутилганидан ҳам мўл бўлди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 450 центнердан силосбоп кўкпоя олиняпти. Ҳозиргача район хўжаликларида 1000 гектарга яқин майдондаги маккажўхори ўриб олинди ва 35 минг тоннадан зиёд силос бостирилди.

Иш яхши ташкил этилган хўжаликларда маккажўхорини ўриш ва силос бостириш суръати жуда юқори бўляпти. «Партия XX съезди» колхозининг чорвадорлари силос бостириш планини районда биринчи бўлиб ошириб бажардилар. Пландаги 2200 тонна ўрнига 2300 тонна силос ҳозирланди.

Район колхоз ва совхозларида дағал хашак жамғариш ва силос бостириш суръати кун сайин кучайтириляпти. Силос бостириш юзасидан олинган мажбуриятни 20 сентябргача бажариш ва ҳар бир сигир бошига 10 тоннадан силос тайёрлашга қарор қилинган.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

УРГАНЧ районидаги Ленин номли колхозининг чорвадорлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мусобақани тобора авж олдиришяпти. Бу йил ҳар бош сигирдан 2000-2100 килограммдан сут соғиш ҳақида сўз берган илғор соғувчилар О. Матёқубова ва М. Раҳимовалар чорвадорлар мусобақасида пешқадамлик қилишяпти. Суратларда: О. Матёқубова (юқорида) ва М. Раҳимова (пастда).

И. Исмоилов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОНДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Ханойдан қайтиб кела туриб, Ўзбекистонда тўхтаб ўтган Куба Республикасининг делегацияси 15 сентябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. Делегацияга Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси майор Хуан Альмейда Боске раҳбарлик қилмоқда.

Куба вакилларини Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретарлари Н. М. Матчонов ва Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. З. Мирзаахмедов кузатиб қолдилар.

* * *

Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари Э. Шарф Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлди. У дам олиш учун Совет Иттифоқига келган эди.

15 сентябрда Э. Шарф Москвага жўнаб кетди. Шундан олдин у Самарқандининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. (ЎзТАГ).

раҳбарлик бадиий зиёлиларни марксча дунёқараш билан қуроллантириш тўғрисида, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қилишни тақозо этади. Партиянинг адабиёт ва санъат ходимларини ғоявий чиниқтириш, уларнинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларнинг ижодий активлигини ошириш йўлида муаяян мақсадни кузлаб олиб бораётган фаолияти бадиий соҳанинг, адабиёт ишнинг спецификасини чуқур ҳисоба олишга асосланади. Ленин ҳамиша уқтириб утганидек, адабиётни бир андазага, бир қолипга солиб баравралш ҳаммадан қийин.

Ленин капиталистларнинг «фақат ҳарбий ва сиёсий қаршилигинигна эмас. шу билан бирга ғоявий, жуда чуқур ва жуда қудратли» қаршилигини ҳам енгишга келган шароитда янги, чинакам халқ маданиятини қуриша раҳбарлик қилиш мислсиз мураккаб эканлигини қайд қилиб ўтган эди. У «маданият масалаларида шошма-шошарлик қилиш ва ҳовлиқиш ҳаммадан кура зararли» эканлигини неча марталаб эслатиб ўтган эди.

Коммунистик партия Ленин қўйган вазифани — санъатни халққа ва халқни санъатга яқинлаштириш вазифасини ҳал қилар экан, бадиий зиёлиларни коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш, зиёлилар сафининг ғоявий-сиёсий бирлигини таъминлаш йўлида жуда катта иш қилди.

Айрим социалистик санъат усталарини коммунистик партиявийлик позициясидан тоидириш учун, уларни ижтимоий ҳодисаларга ёндошишда аниқ пролетар мезонларидан воз кечишга мажбур этиш учун буржуа пропагандистлари ва санъат назариячилари ва уларнинг ревизионист жўр овозлари ўлиб-тириліб ҳаракат қилмоқдалар. Улар санъатни «идеологиядан ҳоли қилиш» керак, деб оғизда лоф урадилар у, аммо амалда санъатни буржуа идеологияси изларига солиб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймоқдалар.

Лекин ғолиб социализм санъатини ғоявий қуролсиллантириш, уни жанговар сиёсий йўлдан маҳрум қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаиди. Совет адабиётини даврнинг ақл-заковотини, ор-номусини ҳамда мужассамлаштирган партиядан ажратиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

КПСС Марказий Комитетининг ёзувчилар IV съездига йўллаган табрикномасида бундай дейилади: «тарихнинг кескин бурилишида, революция оловида туғилган совет адабиёти инсониятнинг бадиий маданияти ривожланишида янги босқич очди. Совет адабиётининг халқаро аҳамияти ва обрўйи жамиятни революцион узгартиришнинг жаҳоншумул тарихий тажрибасини, социализм учун курашни акс эттирганлиги билан, коммунизм, озодлик, тинчлик ва тараққиётнинг юксак ғояларини ҳамиша одамларга бахш этганлиги билан белгиланади .Революцион инсонпарварлик, бунёдкорлик пафосн билан, инсоннинг чексиз имкониятларига ишонч билан суғорилган совет адабиёти гўшкуп буржуа санъатига қарама-қарши бўлиб турибди».

Ленинча партиявийлик принципи санъатимизнинг, унинг бадиий методи бўлган, санъаткордан воқеликни революцион ривожланишда ҳаққоний, тарихан конкрет равишда гасвирланиш талаб қиладиган социалистик реализм методининг жон ва танига сингиб кетди. Совет ёзувчилари IV съездининг КПСС Марказий Комитетига йўллаган хатида айтилганидек, «биз адабиётимизни очиқдан-очиқ ва фахрланиб партиявий адабиёт, деб айтаётганлигимизнинг боиси шуки, унинг халқнинг партиямиз ифодалаётган манфаатлардан бошқа манфаатлари йўқ. Биз адабиётимизни партиявий адабиёт, деб айтаётганлигимизнинг боиси шуки, партиянинг снёсати прогрессив инсониятнинг истак ва орзуларини энг тўлиқ ифодалаганлигини кўриб турибмиз».

Буржуа пропагандаси «партия билан адабиёт ўртасида чуқур конфликт бор» деб валдираш билан ўзининг истагини мавжуд воқелик деб кўрсатишга уринади.

Жаҳон санъатининг энг яхши традицияларини мерос қилиб олган совет адабиётининг ривожланиш жараёни, ундаги эстетик бойликларнинг ўсиб-кўпайиш жараёни тўхтовсиз давом этмоқда.

Кекса ва ўрта авлодга мансуб бўлган ва умумхалқ ўртасида зўр обрў қозонган ёзувчилар билан бир қаторда таланти ҳали ёш ёзувчиларнинг катта отряди ҳам муваффақиятли ишлаб келмоқда. Буни ёш ёзувчиларнинг яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши яна бир марта исботлаб берди. Бу ёш ёзувчилар М. Горький ва В. Маяковский, Д. Фурманов ва А. Толстой, Н. Островский ва А. Серафимович, А. Фадеев ва бошқа атоқли сўз усталарининг, социалистик реализм адабиётидаги классик асарларнр яратган адибларнинг традицияларини актив ривожлантирмоқдалар. Совет Иттифоқи адабиётининг ҳолатига, бугунги даражасига тўғри баҳо бермоқ учун унинг кўп миллатли адабиёт сифатидаги, проза, поэзия, драматургиянинг биринчи даражали моҳир санъаткорларини етиштириб берган ва тўхтовсиз етиштириб бераётган қардош халқлар катта оиласининг адабиёти сифатидаги бутун бойлигини кўра олиш керак. М. Шолохов, М. Рильский, Я. Купала, К. Федин, Л. Леонов, П. Тичина, М. Овезов, С. Айний, С. Вургун, А. Упит, Г. Леонидзе — булар ёзувчиларимизнинг фақат озгина қисми, холос. Уларнинг номи билан Советлар мамлакатининг ҳамма халқлари ҳақли равишда фахрланадилар.

Совет адабиётининг ижодий тажрибаси Ленининг адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги ва халқчиллиги тўғрисидаги таълимоти самарали эканлигини, социалистик реализм эстетикасининг негизи бўлиб қолган бу таълимотнинг буюк ҳаётий кучини яққол кўрсатди.

* * *

Жамият моддий ва маънавий турмушининг ҳамма соҳаларидаги ялпи юксалишни акс эттираётган совет адабиёти ва санъатининг муваффақиятларига муносиб баҳо бериш билан бирга партия бадиий зиёлиларнинг диққат ва эътиборини ҳал этилмаган масалаларга қаратмоқда, ижодий ҳаётдаги камчиликларни ва нотўғри тенденцияларни кўрсатиб бермоқда.

Тарих ва ҳозирги замон воқеаларини юзаки, бир томонлама акс эттираётган, турмуш ходисаларига ва одамларнинг ҳатти-ҳаракатларига аниқ социал баҳо берилмаган, абстракт гуманизм таъсирини ўзида акс эттираётган асарлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Айрим асарларнинг авторлари ёппасига «фош қилиш»га берилиб кетмоқдалар, бу эса турмушимизнинг реал манзарасини бузиб кўрсатишга олиб келади.

Шу муносабат билан жамиятимизнинг олга бораётганлигини сезиш қобилиятни йўқотиб қўйган, халқнинг кундалик ҳаётидаги энг муҳим жиҳатларни кўришни истамай «революциямизнинг орқа ҳоблисини тасвирловчи бадиий протоколларни, бадиий фотографиаларни» қўпаётиравериши афсалроқ кўрган шахслар шаънига қарата заҳарханда қилган А. Луначарскийнинг сўзларини эслатиб ўтиш ортиқча бўлмас эди.

«Келишавермаслик» зиёлининг асосий фазилати, деган тезисни совет ижодкор зиёлиларининг намояндаси ўзига қурол қилиб ололмайди. Капитал мамлакатларидаги бадиий доираларда бу фикр кўп такрорланади, шундай бўлиши ҳам табиий. Аммо совет санъаткорининг вазифасини «ҳаммага маъқул бўлган нарсаларни танқид қила беришдан иборат» деб билиш меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига хизмат қилаётган тузумизнинг капиталистик тузумга бутуйлай қарама-қарши тузум эканлигини, унинг принципиал янги табиатини ё тушунмаслик, ёки онгли равишда назар писанд қилмасликдир.

Муайян ижобий йўл кўрсатиб бериш билан боғлиқ бўлмаган «инкорчилик» шиори онгни «ўткирлаштирмайди, балки хиралаштиради, чунки бундай шиор қуруқ гап, беъмани қичқириқ, мазмунсиз декломациядир» деган эди Ленин. Совет санъати янги, илғор нарсаларни қарор топтиради ва социализм руҳига душман бўлган эски нарсаларни инкор қилади, танқид қилади. шу вазифани бажаришни ўзининг ижтимоий бурчини бажариш ва шу бурчнинг моҳияти. деб билади. Совет санъати янги жамият кишисини маънавий жиҳатдан камолга етказишда партиянинг ёрдамчиси бўлиб. социализм ва коммунизмнинг юксак идеаллари учун курашиб келди ва курашмоқда.

Партиямиз адабиёт ва санъатдаги ёт, ғоявий зарарли нарсаларнинг ҳаммасини шафқатсиз рад қилиб, воқеликнинг ўткир ва жўшқин проблемаларига дадиллик билан мурожаат қилаётган, жамиятни социал қуриш жараёнининг бутун драматизмини, бутун мураккаблигини партиявийлик ва халқчиллик позициясида туриб акс эттиришга интилаётган санъаткорнинг ижодий изланишларини ҳамиша сезгирлик билан тушуниб ва қўллаб-қувватлаб келди Партия ҳамиша санъат усталариня даврмизнинг асосий мазмунини — коммунизм сари қилинаётган зафарли ҳаракатни бадиий мукаммал формада акс эттиришга йўллаб келди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев уқтириб айтган эдики, «партия бизнинг идеалларимизга бўлган ишончни қарор топтираётган санъат ва адабиётни ҳамиша қўллаб-қувватлайверади, бизга ёт идеологиянинг барча кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бораверади».

Адабиёт ва санъатнинг ҳаётбахш, бунёдкорлик пафосини қаттиқ туриб химоя қилишда взчил бўлиш гўхтовсиз ижодий изланишни, бадиий воситалар арсеналини узлуксиз бойитиб боришни тақозо қилади. Чинакам социалистик санъат мутлақо олга олиб бораётган тўғри йўлдан сира қайтилмай олдинга боравергани дагина ўз кучини сақлаб қолади ва кўпайтиравериди.

Санъатдаги нотўғри ғоявий таъсирларга ихтиёрий ёки ғайри ихтиёрий равишда ҳар қандай ён беришларга нисбатан Ленин нақадар муросасиз бўлганлиги маълум. У партиянинг XI съездида янги иқтисодий сиёсатнинг биринчи давридаги ҳатто «оз бўлса ҳам сарасимали ижозлар пайдо бўлиб қолганлиги», «жуда хатарли» экаилиги тўғрисида гапириб, «маълум даражада тушкунлик кайфияти» ифодаланган «бир қанча шсъриий асарларга қаттиқ танқидий баҳо бериб ўтганлигини эслатиш кифоя қилади.

Дунёга мардонавор, оптимистик назарда қараш совет адабиётига ҳамиша хос хусусият бўлиб келди. Халқ билан чамбарчас боғланган совет адабиёти жаҳонда биринчи социализм мамлакатининг турмуши тўғрисидаги, совет кишиларининг меҳнат ва курашдаги қаҳрамонликлари тўғрисидаги ҳақиқатни акс эттириб келди ва акс эттирмоқда. Чет эллардаги бир брошюрада совет Россияси ҳаддан ташқари мақтаб тасвирлангилиги хусусида Ленин «бизга хушомадгўйлар керак эмас, бизга ҳақиқатни айтувчилар керак» деган эди.

Соҳта новаторлик қийшанглашлари ҳам. шунингдек эстетик қарашларнинг горлиги ҳам бизнинг санъатимизга бирдек ёт. Социалистик реализм ҳар бир талантнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама намоён қилиши ва ижодининг ҳамма соҳаларида муваффақиятли новаторлик қилиши учун жуда кенг имконият очиб беради. Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, турли услубларда ёзаётган ёзувчилар томонидан яратилаётган асарлар совет адабиёти шакллари ва услубларининг кўп хиллиги, қўйилган проблемаларнинг бадиий ечиб беришдаги хилма-хиллиги билан фарқ қилади.

Ленининг партиявийлик мезони санъатни ўзига хос хусусиятдан — бадиийлик хусусиятидан маҳрум қилувчи ҳар қандай вульгар концепцияларга қатъиян қарама-қаршидир.

* * *

Марксча-ленинча бадиий танқидчилик адабиёт ва санъатга партиявий таъсир ўтказишнинг қудратли воситасидир. социалистик реализмнинг ғоявий-эстетик принципларини янада ривожлантириш ва бойитиш учун курашнинг муҳим қуроллидир. Адабиётшунос-танқидчи кадрларни юксак принципиаллик, халқ олдида юксак жавобгарлик руҳида, ҳар қандай буржуа таъсирларига, санъатдаги косибчиликка муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партиямизнинг ленинча традициясидир.

(Охири тўртинчи бетда).

ҒЎЗАЛ ВА ҲАШАМАТЛИ

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрига бир неча кундузда 10-15 минг киши келиб кетади. Шаҳар аҳолисидан 6-7 минг киши эса узоқ сафарларан кайтади. Ўрта Осиё темир йўлининг пассажир поездлари бир неча-кундузда 45-50 минг кишига хизмат қилади. Ёз мавсумида темир йўл хизматчиларига иш кўпаяди. Улар бир суткада 80-90 минг кишига хизмат кўрсатади. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, сафарга отланганлар ва шаҳримизга келаётган меҳмонлар ҳам жуда кўп. Шунинг учун ҳамма қулайликларга эга бўлган вокзал бўлиши жуда зарур.

Шу сабабли Тошкент станциясида ҳозир янги типда «Тошкент» вокзали қурилаётир. Вокзалнинг умумий ҳажми 8181 квадрат метрни ташкил қилади. Вокзалда бир қанча ойнаванд ёруғ залар бўлади. Бу залларда йўловчилар кинофильмлар томоша қилиши, лекция ва суҳбатлар эшитиши, болали оналар дам олиши мумкин. Вокзалда йўловчиларга 400 дан ортиқ электр компостер, 30 га яқин автомат справка бюролари хизмат қилиши кўзда тутилган. Ҳозир 500 га яқин автомат омборчалар ишлаб турибди.

Ёз мавсумида поезддан-поездга ўтиб, узоққа кетувчи йўловчиларга қулайлик туғдирилди: уларга бир йўла билет сотиш усули қўлланилди.

Ўзбекистон территориясида қурилган темир йўл магистралларида янги тепловозлар ҳам қатнай бошлади. Металлдан ишланган, муҳтадил ҳаволи вагонлар сони кўпайди. Республикамиздаги ҳамма станция ва вокзалларда қурилиш ишлари тугалланай деб қолди. Вокзал платформалари бетонлаштирилди. Шу кеча-кундузда Наманган. Жиззах вокзалларида қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

«Тошкент» вокзали қурилиши 1970 йилнинг охирида битказилади. Бу вокзал Иттифоқимиздаги энг гўзал ва ҳашаматли вокзалдардан бири бўлиб қолади.

Г. ЗАХРИДДИНОВ,
Ўрта Осиё темир йўли пассажирлар ташиш хизматининг бошлиғи.

ЛЕНИНЧА ПАРТИЯВИЙЛИК— РЕВОЛЮЦИОН САНЪАТ БАЙРОҒИ

(Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

Бадиий танқидчилигимизнинг обрўйи ошганлиги, унинг профессионал савияси, методологик қуролланиш даражаси баланд кўтарилганлиги шак-шубҳасиз. Танқидий асарларнинг авторлари санъаткорларнинг ўзига хос хусусиятларига, адабий жараённинг гоят хилма-хиллигига ва реал мураккаблигига кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Танқид ижтимоий ва эстетик фикрнинг шаклланишига тобора активроқ таъсир ўтказмоқда.

Буларнинг ҳаммаси бадиий танқидчилигимизнинг ҳозирги кундаги қувончли ютуқлари. Бироқ жиддий нуқсонлар ҳам борлигини, ҳали тузалмаган касалликлар мавжудлигини ҳам пайқаслик нотўғри бўлур эди.

Замондошнинг қаҳрамонона характерини тасвирлаш традициялари умумий эстетик жиҳатдан қимматли эканлигини шубҳа остига олаётган мақолалар баъзи вақтли нашрларда босилиб чиқаётганлигига жамоатчилигимиз эътиборни қаратган эди. «Кичкина одам» деб аталувчи кишиларнинг икир-чикир ҳаётини, кўпинча қувончсиз турмуш-тирикчилигини тасвирлаб берган, социал ҳаракатсизлик, маъновий тубанлашиш белгилари шоирона тараннум этилган асарлар санъат намуналари, деб мақтаб кўкка кўтарилмоқда.

Шу хилдаги мақолаларда характерлар ва турмуш ҳодисаларини кенг равишда типиклаштириш, ҳозирги замон воқелигининг етакчи тенденцияларини бадиий ифодалаб бериш билан шуғулланмасдан, балки «жузъий бир ҳолни», бадиий қайд қилиш жиддий таланга муносиб иш, деган соҳта фикрни ёзувчиларга уқтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Танқидчилар, адабиётчилар орасида «ўз гуруҳи»нинг манфаатларини кўзлаб адабий асарларга баҳо бериш ҳоллари ҳали ҳам борки, бу нарса ленинча партиявийлик руҳига бутунлай ётдир. Ижодий ташкилотлар ҳамиша тоза ва соғлом ҳаво билан нафас олиши тўғрисида партия ҳар доим ғамхўрлик қилиб келди. Ижодий ташкилотлардаги мана шундай соғлом вазиятгина бадиий зиёлиларимизнинг ҳаммаси отрядлари ижодий мусобақа қилиши, ғалаба қилиб иш ишлаши учун кенг майдон очиб беради. КПССнинг адабиёт борасидаги сиёсати масалаларига доир программ ҳужжатларда уқтириб айтилганидек, қоғозий эз профессионал жиҳатдан яхши қуроллангган марксча танқидгина чуқур тарбиявий эҳамиятга эга бўла олади, «адабий бўйруқбозликни ўз орасидан» ҳайдаб чиқара олади.

Ҳозирги вақтда жуда кескин идеология кураши шароитида, одамларнинг онгини ва қалби учун кураш бўлиб турган шароитда адабиёт ва санъат арбоблари буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан ҳар ҳачонгидан ҳам кўра кўпроқ ҳушёр бўлишлари лозим. Коммунистик партиявийлик бояғоғини биринчи галда санъаткор коммунистлар баланд кўтаришлари, партиявий йўлни бадиий ижодкорлик соҳасида оғишмай амалга оширишлари лозим. Танқидчиликнинг жанговар вазифаси шуки, у кўпмиллатли, ўз руҳи билан интернационалистик адабиётимизнинг ғоявий софлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, унинг ватанпарварлик традицияларини, чинакам халқчиллик асосларини ҳимоя қилиши керак.

Бунга, «Литературная газета» яқинда эълон қилган «Адабий баҳслар ва масъулият ҳисси» деган мақоласида ижодий ходимларга ҳақли равишда эслатиб ўтди. Адабий мунозараларнинг илмий савиясини, ижодий самарадорлигини ошириш зарурлиги масаласи шу мақолада қўйилганлиги ҳам диққатга сазовордир. Газета мақоласида айтилганидек, бу адабий мунозараларда «ҳақиқатни тушунтириб бериш эҳтиёжидан келиб чиқмасдан, балки ўз муҳолифининг обрўйини тўкиш, унинг гражданлик ва насоний фазилатини шубҳа остида қолдириш эҳтиёжидангина келиб чиқадиган кескинлик ва ўткирлик» бўлмаслиги керак.

Ижодий мунозаралар ва баҳслар танқидчилигимизнинг нормал ҳаётидаги кўринишлардан бири. Бу мунозара ва баҳслар танқидчилигимизнинг адабиётнинг ижтимоий тараққиёт билан, халқ турмуши билан кўпқиррали алоқаларини чуқурроқ ва тўлиқроқ очиб беришига, танқидчиликнинг юксак бадиий савияси учун курашишга, етилган эстетик проблемаларни ҳал этишга ёрдам бериши лозим.

Ҳеч бир далилсиз ва ғаразли бақириқлар, шарттаки баҳолар адабиёт ва санъат ҳодисаларига ёндошишдаги чинакам ғоявий зийракликка ва принципиалликка бутунлай ёт бир нарсадир.

Ленин туғилган кунининг юз йиллиги арафасида биз танқидчилигимизнинг ғоявий-назарий қуролланишига, унинг Ленин методологияси йўлидан оғишмай бора олишига чисбатан айниқса талабчан бўлишимиз лозим.

Адабий танқид илмий мезонларга таяниши лозим, унда субъектив ўзбошимчаликка, тарихий реалликдан, бадиий практикадан узоқ бўлган «концепцияларни» шошма-шошарлик билан яратишга ўрин йўқ.

* * *

Ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг илғор отряди коммунистлар партияси раҳбарлик қилиб турганидагина янги ижтимоий тузумнинг тантанаси учун халқлар олиб бораётган кураш зафарли бўлиб чиқишини ижтимоий тараққиётнинг бутун бориши исботлаб берди. Шу сабабли коммунистик партиявийлик проблемаси бошқа кўпгина энг зарур проблемаларнинг марказ бўлиб қолди. У В. И. Ленин орзу қилган ҳақиқатан янги, улуғ коммунистик санъат яратиш йўлини очиб беради.

(«ПРАВДА», 12 сентябрь).

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Музикали драмалардан парчалар. 9.30 — Най ва фортепьяно учун соната. 10.10 — Қўшиқлар. 10.30 — «Тўй» вокал сюитаси. 11.15 — «Фан оламида». 11.30 — Совет экрани қўйлари. 13.30 — Қўшиқлар. 15.15 — «Замондошлар» (русча). 15.30 — Г. Гулом. «Афанди ўлмайдиган бўлди» (қисса). 16.10 — Б. Р. Гмирянинг ижодий портрети. 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Колхозчиларнинг Бутииттифоқ Учинчи съезди олдидан» (русча). 18.10 — Украина темаларидаги сюита. 19.20 — Ўрта Осиё халқларининг қўйлари. 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси. 20.40 — Концерт (ёшлар учун). 21.00 — «Ленинниана» программаси (русча). 21.30 — Қўйлардан қўшиқларга. 22.20 — Чолғу қўйлари. 22.40 — М. Горький. «Хон ва хонзода» (инсценировка қилинган қисса). 23.15 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ЎҚУВ КУРСАТИШЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 11.00 — **Ота-оналар учун консультация.** 11.30 — **Адабиёт.** Х. Ҳ. Ниёзий. «Бой ила хизматчи». 12.00 — **Ўқув фильми.** 12.25 — **А. Островскийнинг ники қаҳрамони** (9-синф ўқувчилари учун адабиётдан) 18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар.** 18.50 — **Ўгил ва қиз болалар** (мультфильм). 19.20 — **Кўрсатишлар программаси ва реклама.**

Ўзбек тилида: 19.30 — **Телеянгиликлар.** 19.45 — **Қитъалар қутлайди улуғ Ленинни** (адабий композиция). 20.15 — **Турнахон** (бадиий фильм, рус тилида). 21.40 — **«Пропагандист» телепрограммаси.** 22.15 — **Музикани қандай тингламоқ керак?** (сюита).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.35 — **Қувноқлар давраси** (болалар учун). 19.00 — **«Турмуш ва маданият» программаси.** 19.40 — **Ильич ҳамшаҳарлари** (ҳужжатли фильм).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Симфоник оркестр чолғу асбоблари.** Саксофон.

Рус тилида: 20.40 — **Александр Пирагов қўйлайди** (ҳужжатли фильм). 21.00 — **Телеспектакль.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IX да **Мария Стюарт.** 17/IX да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IX да **Тошболта ошиқ** (қишки бинода).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Венгер ва совет цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сиянгилгинам Кери — «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1, 3 да).

Хавфли парвоз — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 1, кеч 8 ярим ва 10 да).

Карантин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 9-45 минутда).

Қутлуғ қон — (кундуз соат 2 ярим ва кеч 6.40 минутда, ўзбек тилида), **Менинг ҳаётимсан** (кундуз 4-20 минутда, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Ўтган кунлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, 6.45 минут, кеч 8 ярим ва 10 да).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 сентябрдан 1970 йил учун

СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНАДИ

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари, агентлари, алоқа бўлимлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилари томонидан қабул қилинади.

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ректорати, партия комитети ва жамоатчи ташкилотлари университет студентиласи Муаззам НОРМУРОДОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг отаонаси ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ташқи мамлакатларда

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЛЕНИНИЗМ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИНИНГ МАШЪАЛИ

АДДИС-АБЕБА, (ТАСС). Жанубий Африкадаги Африка миллий конгрессининг бош секретари Альфред Нзо ТАСС мухбирлари билан суҳбатда, ленинизм—бутун дунёдаги миллий озодлик курашининг улуғвор байроғидир, деди. У Африка бирлиги ташкилоти Министрлар Кенгашининг бу ерда тугаган 13-сессиясида ва Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат, ҳукумат бошлиқларининг 6-ассамблеясида кузатувчи сифатида қатнашган эди. Социалистик революциянинг улуғ назариётчиси ва стратеги, СССРда социалистик қурилишнинг гениал раҳбари В. И. Ленин Африка қитъаси халқларининг қудратли озодлик ҳаракати бўлишини ўз асарларида ҳайратда қоларли башорат қилиб айтган ва мустамлака халқларининг ўз озодлиги учун курашига жуда катта аҳамият берган эди.

Ленин туғилган кунининг юз йиллиги байрам қилиниши фақат биргина совет халқининг байрами бўлиб қолмайди. Ленининг номи ва унинг ғоялари буржуазия мамлакатларидаги барча халқларга, эксплуатация қилинувчи барча меҳнаткашларга баравар даражада яқиндир.

Шу шонли санада, деди пировардида Альфред Нзо, биз, африкаликлар Африка қитъасининг жанубида ирқчилик ва мустамлакачилик режимларига қарши курашда эришган муваффақиятларимизга якун ясаймиз ва мустабид кучлар устидан узил-кесил, муқаррар ғалаба қозониш йўлларини белгилаб оламиз Ленин даҳосининг кучи билан очилган улуғвор озодлик уфқлари бу оғир курашда бизга йўлчи юлдуздир.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

ИСРОИЛ ВАЗИЯТНИ КЕСКИНЛАШТИРМОҚДА

Исроил қуролли кучларининг ғиғогарлик ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқдаги вазият кейинги кунларда анча кескинлашди. Исроил бронетанк қўшинлари авиация мадади билан 9 сентябрга ўтар кечаси десант кемаларига Сувайш портидан 40 километр жанубда Сувайш қўлтиғини кесиб ўтдилар ва қўлтиқнинг ғарбдаги Африка соҳилига тушишга уриниб кўрдилар. Ғарбдаги баъзи обзорчилар бу урунишни 1967 йилдан кейинги энг катта ҳарбий операция деб таърифламоқдалар.

10 ва 11 сентябрь кунлари Исроил самолётлари шундан бир кун аввал Исроил десантчилари ҳаракат қилган зонадаги Зафарон ва Рас Абу Дароқ районига ҳужум қилишга уриндилар. МЕН агентлигининг хабар беришича, Исроил самолётлари муносиб зарбага учраб, орқага қайтиб кетишга мажбур бўлган.

Исроил қўшинларининг агрессив ҳаракатларига жавобан Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий ҳаво кучлари 11 сентябрда Синай ярим оролининг марказий, шимолий ва шарқий қисмларидаги Исроил позицияларига учта кучли зарба берди. Миср самолётлари ракета ва радар установкаларини, артиллерия батареяларини ва ўқ-дори омборларини бомбардимон қилди. Шу ҳужумлар вақтида осмонда жиддий жанглар бўлди.

Исроил ҳарбийлари кетмакет қурғоғли ғиғогарлик қилиб, шу ҳафта ичи Яқин Шарқдаги вазиятни жуда кескинлаштириб юборишга уринганлигини ана шу воқеаларнинг ҳаммаси кўрсатиб турибди.

Бундай қилинишининг сабаби нима? Исроил агрессорлари янги қабиҳ ҳуружлар қилаётган бир пайтда Қўшма Штатлардан Тель-Авивга «Фантом» типидаги қирувчи-бомбардимончи самолётлар етказиб берила бошлаганлиги эътиборга олинадиган бўлса, бу саволнинг жавоби ўз-ўзидан равшан бўлиб қолади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, исроиллик урушқоқлар бу самолётлар етказиб берилганлигини катта ҳарбий ёрдам деб ҳисобламоқдалар.

Исроил агрессорларининг янги ҳарбий ғиғогарликлари жаҳон жамоатчилигини ҳаяжонлантирди. Франциядаги «Юманите» газетасининг ёзишича, АҚШнинг милитаристик доиралари қўллаб-қувватлаётган Исроил раҳбарларининг агрессив йўли «1967 йил июнидаги можороодан ҳам каттароқ можаро чиқишига олиб борши мумкин».

Лекин шу нарса шак-шубҳасизки, башарти можаро чиқадиган бўлса, агрессор жазосиз қолмайди, чунки бошқа тинчликсевар кучлар араб мамлакатларига мададкорлик қилмоқдалар.

АФРИКА БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Эфиопия пойтахти—Аддис-Абеба шаҳрида 6 сентябрдан 10 сентябргача Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг олтинчи ассамблеяси бўлиб ўтди. Африка бирлиги ташкилоти 1963 йилда шу шаҳарда тузилган эди. Ҳар йили ўтказилиб турган «Юқори доирадаги Африка учрашувлари» шу қитъа халқларининг империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашидаги янги марраларни бошлаб бермоқда. Африкадаги мустақил мамлакатлар бирдамлиги ва бирлигини ривожлантириш йўлидаги ўзига хос янги босқичлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Африка бирлиги ташкилотининг бу галги ассамблеяси жуда кўп масалаларни муҳокама қилди. Африкада ирқчиликка ва мустамлакачиликка қарши кураш кун тартибидаги асосий масала бўлди. Бунинг сабаби равшан. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секратари У Тан Ассамблеяда сўзлаган нутқида БМТнинг Африка қитъасидаги мустамлака мамлакатларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияси шу вақтга қадар бажарилмаганлигини таъкидлаб ўтди.

Ассамблея қатнашчилари Африкадаги мустамлакачи ва ирқчи режимларга қарши курашни кучайтиришга қаттиқ бел боғлаганликларини Ассамблея ифодалаб берди. Ассамблея Ангола, Мозамбик, Гвинея-Биссаудаги ва бошқа территориялардаги миллий-озодлик ҳаракатларига берилаётган ёрдамни кенгайтириш зарурлигини айтди. Ассамблеяда тасдиқланган махсус манифест Африкадаги мустақил давлатларнинг Жанубий Африка Республикасидаги ва Жанубий Родезиядаги ирқчи режимларга нисбатан ўтказадиган сиёсатини белгилаб берди, бу режимларнинг мавжудлиги озод Африкага даҳдаҳа солаётганлиги айтилди.

Африка мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг «юқори доирадаги кенгаш»ида қатнашчилари Исроилнинг араб халқларига қарши тўхтовсиз давом этаётган ғиғогарликларини кескин қоралашдилар. Ассамблея Бирлашган Араб Республикаси билан ва бошқа араб мамлакатлари билан бирдамлик резолюциясини қабул қилди. Яқин Шарқдаги аҳволга доир бошқа бир резолюцияда араб территорияларидаги Исроил қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетиш талаб қилинади.

Ассамблея Нигериядаги аҳволга катта эътибор берди. Бу мамлакатда икки йилдан бери давом этаётган гражданлар уруши неча миллионлаб кишининг ёстиғини қуритди. Шу масала юзасидан Ассамблея қабул қилган резолюцияда Нигерия бирлигини сақлаб қолиш—зарурлиги таъкидланади ҳамда иккала томон уруш ҳаракатларини тўхтатиб, музокаралар бошласин, деб даъват қилинади. Кўпгина кузатувчилар Ассамблеянинг тавсиялари Нигерия фожиасини тугатиш йўлида олға қўйилган қадам бўлиб хизмат қилиши мумкин, деб ҳисоблямоқдалар.

А. СТУПАК,
В. ХАРЬКОВ.
(ТАСС).

ЛИВИЯДАГИ АҲВОЛ

ТРИПОЛИ. Ливиядаги ҳаёт одатдаги изига кириб бормоқда. Мамлакатнинг ҳамма аэропортлари яна очиб қўйилди. Чет эл сайёҳлари ва студентларига ўзлари учун қулай бўлган хоҳлаган вақтларида Ливиядан жўнаб кетишларига рухсат берилди. Ливия миллий агентлиги шуни маълум қилди.

Ливиянинг янги министрлар ҳайъати, дейилади ахборотда, мамлакатдаги барча ишчиларнинг иш ҳақини 10 процент ошириш тўғрисида декрет чиқарди. Шу билан бирга, кабинет ҳозирги вақтда кўп ҳақ оладиган амалдорлар билан министрларнинг маошларини камайтириш масаласини кўриб чиқмоқда. Қирол Идрис ҳукмронлиги даврида бу ҳаддан ташқари катта маошлар мамлакат бюджетига гоят сезиларли даражада зарар келтирарди.

Ливия янги ҳукуматининг кўрган тадбирлари мамлакатдаги аҳволни янада нормаллаштиришга қаратилган.

(ТАСС).

КОММУНИСТ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

ЛОНДОН, 12 сентябрда Буюк Британия Коммунистик партиясининг аъзоси Гордон Норрис денгизчилар миллий касаба союзи ижроия комитетига бир овоздан қайта сайланди.

(ТАСС).

Чилонзорнинг 26-кварталида янги — «Москва» кафеси ишга тушди. Барча қулайликларга эга бўлган бу кафенинг 150 ўринли овқатланиш зали ва 250 кишига мўлжалланган банкет зали бор. Юқоридаги суратда «Москва» кафесининг умумий кўриниши, пастдаги суратда эса овқатланиш зали тасвирланган.

А. Тўраев фотолари.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

УЧАДИГАН КАЛТАКЕСАК ИЗЛАРИ

Қозоғистоннинг жанубидаги ҳозирги Қоратов тизмаси районида узоқ ўтмишда бўлган қўлнинг тубидаги чўкиндиларда учадиган калтакесак силетининг тошга айлачган изларини топдик. Бу из тушганига тахминан 160 миллион йил бўлган Олимлар силет изини текшириб птерозаврнинг танаси тўйна билан қопланган, деган хулосага келдилар. Бу нарса қайвонлар эволюциясининг муҳим босқичи—нисқи қонли калтакесаклар пайдо бўлишидан далолат берса керак.

Совет палеонтологлари Тяньшан тоғ системасининг ғарбий этакларида бошқа бир ноёб нарсага дуч келдилар. У ерда олимлар учадиган калтакесак тўла силетининг тошда яхши сақланиб қолган изини топдилар. Бу калтанесак бундан 190 миллион йил илгари яшаган, деб фараз қилинмоқда. Тадқиқотчилар калтанесак учадиган аппаратининг ғалати тузилганлигидан ҳайратда қолдилар. Улар калтанесакда қанот ролини олдинги оёқлари эмас, балки орқа оёқлари бажариб, унда алоҳида пардалари бўлганлигини аниқладилар. Шундай хусусият туфайли калтанесак парвоз қилиб олгач, қанот қоқмай учиш қобилиятига ҳам эга бўлган бўлса эҳтимол.

Ҳар икки ноёб топилдиқнинг тўла баёни Қозоғистон Фанлар академияси зоология институти илмий асарларининг навбатдаги тўпламига киритилган.

В. ГАНЖА.
(ТАСС мухбири).
ОЛМАОТА.

ЕЛЕЦ ЖОМЕСИ

Истеъдодли рус меъмори К. А. Тон ўтган асрнинг бошларида Елец шаҳрининг маъмурларига: «қурадиган иморатим неча ўн йил ёки неча юз йил эмас, балки беш юз йил ёки ундан ҳам кўпроқ туради»..деб ёзган эди. Бу ерда унинг лойиҳаси билан ўша вақтда Россияда катта собор (жоме) қурилаётган эди. Дарҳақиқат, бу бино ҳеч путури кетмаётгандай. — 100 йилдан бери турган бўлсада, ҳеч шикаст—рехти йўқ. Собор алоҳида пухта аралашмадан тайёрланган ғиштдан қурилган, пойдеворига ҳам 60 пудан гоят қаттиқ охактош плиталар қўйилган.

Елец соборини иккинчи Исаакий собори ҳам дейишади. У Ленинграддаги машҳур исаакий соборидан салгина кичик, холос. Соборнинг 86 метрга кўтарилган заррин гумбази олисдан кўзга ташланади.

Собор қурилаётган пайтда пойдевор учун қазилган чуқурдан тупроқ билан бирга жуда кўп одам суякларини ҳам қазиб олинганки, бу суякларда ёй ўқи ва найза изларидан бор эди. Тарихчилар шу жойда елецликлар Темурланг қўшини билан каттиқ жанг қилганлигини аниқладилар. Маълумки, шу жангдан сўнг Темурланг Россиянинг ичкарисига ўтмай, орқага қайтган. Ўша жангчиларнинг хоклари собор ёнига қайта дафн этилганди. Ўшанда бояги меъмор Тон лойиҳаси бўйича мана шу ўртоқлар қабри устида улкан темир қалпоқча ўхшаш қилиб ишланган ёдгорлик ибодатхонаси ҳам қурилганди.

Ҳар икки тарихий меъморий ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган.

М. ГОЛАЧЕВ.
(ТАСС мухбири).
Липецк.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

Оғир қулфат, онам Қумринисо Холиқова вафоти муносабати билан менга таъзия изҳор қилган барча ташкилотларга ва кишиларга газетангиз орқали самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат этгайсиз.

Е. С. Насриддинова.

Шимолий Ирландия. Белфаст ва Лондондерри шаҳарларининг аҳолиси кўча жанглари пайтида қурилган тўсиқларни мустаҳкамлашда давом этмоқдалар. Бу шаҳарларда ҳар қандай «гумонли» кишини ушлаб олиш ва қамоққа олиш учун полициячиларга катта имтиёзлар берилган. Суратда: Белфаст кўчаларидан бирида. Магазинга бориш учун катталар ҳам, болалар ҳам мана шундай ҳужжат текширувчи тўсиқлардан ўтишлари керак. Камера Пресс—ТАСС фотоси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат. — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 38—42. Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термез 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 216. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01737.